Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 17-may, shanba № 60 (3409)

Бугунги кунда «Энг кўп талаб қилинадиган ва ўзини энг кўп оқлайдиган сармоя — бу инсон капиталига йўналтирилган сармоядир» деган ҳақиқатнинг ҳаётда тобора мустаҳкам қарор топиб бораётгани тасодиф эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ислом КАРИМОВ

Президент Ислом Каримовнинг «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи

Ҳурматли конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, конференция иштирокчиларини, аввало, муҳтарам меҳмонларимизни — нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар, илмий тадқиқот марказлари, университет ва олий таълим муассасалари раҳбарлари ва вакилларини, таниқли олим ва мутахассисларни қутлаб, мазкур Форумда қатнашиш ҳақидаги таклифимизни қабул қилганингиз учун юксак ҳурмат-эҳтиромим ва миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният етказади.

Бугунги конференциямиз ўзининг салкам уч минг йиллик тарихи мобайнида дунё цивилизацияси ва турли халқлар маданияти чорраҳаси бўлиб келган ва келаётган Самарқанд заминида ўтказилаётгани бу анжуманга алоҳида маъно-мазмун бағишлаб, унинг аҳамиятини янада оширади.

Қўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри бетакрор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай одамни ҳайратга соладиган обидалари билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида маълуму машҳурдир. Мовий гумбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда «абадий шаҳар» деган ном билан бутун дунёда шуҳрат қозонгани бежиз эмас, албатта.

Мана шу шаҳарда туғилиб-ўсган, вояга етган инсон сифатида менга бу шаҳарда яшаётган барча-барча инсонлар номидан сизларга ўз самимий меҳмондўстлигимизни изҳор этиш ва «Азим Самарқандга хуш келибсиз!» деб қутлаш катта мамнуният етказади.

Қадрли дўстлар!

Бугунги конференциямизнинг мақсади — Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо беришдан иборат.

Ана шу бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш, Шарқнинг улуғ алломалари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳим деб ҳисоблайман.

Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши — буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар хўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандлик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги карвон йўлларининг очилиши ва авваламбор нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган.

Мен бу фикрга алоҳида урғу бериб айтмоқчиман. Чунки, тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, илм-фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлари пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия равнақ топиб, унга қизиқиш, эътибор кучаяди. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди. Одамлар кечаси уйқуга ётиб, эрталаб туришга кўрқмайдиган, эртага уларнинг бошига қандайдир муаммо ёки офатлар келмаслигини билган тақдирдагина шундай бўлади. Бу ҳақиқат кўп асрлар давомида ўз тасдиғини топган ва ишончим комилки, бугун бу мавзуда гапиришнинг ўзи ортиқча.

Шарқ оламида, хусусан, Марказий Осиё халқлари ҳаётида ривожланган маданиятнинг мавжуд бўлгани ҳақида қадимги бақтрия, сўғд, ўрхун, хоразм ёзувларида битилган ёдгорликлар, деворий тасвирий санъат асарлари ва ҳайкалчалар, архитектура намуналари далолат беради.

XI-XIII асрларда асос солинган Хоразм давлати, Форс кўрфазигача бўлган ҳудудлардаги қўшни халқлар ерларини бирлаштирган ҳолда, Осиё қитъасининг катта қисмини қамраб олган.

Милодгача бўлган II асрдан милодий XV асрга қадар қадимий халқаро транспорт артерияси вазифасини бажариб, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўртаер денгизи минтақаси каби ҳудуд ва мамлакатларни боғлаб келган Буюк Ипак йўлининг улкан, беқиёс ролини баҳолашнинг ўзи қийин.

Мазкур йўл нафақат юқорида зикр этилган ҳудудлар ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини, балки қитъалар ва давлатлар ўртасида ахборот алмашувини таъминлашга хизмат қилди, янги технология ва ишланмаларнинг (ипак, чинни буюмлар, порох, қоғоз ва бошқа кўплаб маҳсулотлар) тез тарқалишида, қишлоқ хўжалиги экинлари ва агротехнологияларнинг, шунингдек, маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим восита вазифасини бажарди ва шу тариқа цивилизацияларараро мулоқот ва технологиялар алмашуви учун шарт-шароитлар яратди.

Бу даврларда турли мамлакатлар халқларининг илмий билим ва ютуқлар билан бир-бирини бойитиб бориши алоҳида рол ўйнади. Буюк Ипак йўли орқали Европага, Европадан эса Осиёга Шарқ ва Ғарб оламидаги улуғ аллома ва мутафаккирлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар етказилди. Сократ, Платон, Аристотел, Птоломей ва антик даврга мансуб бошқа буюк алломаларнинг илмий асарлари, ғоя ва кашфиётларини ўрганиш учун амалий имконият вужудга келди.

Маълумки, ўша даврларнинг анъаналарига кўра, маърифатпарвар мутафаккир ва файласуфлар, олимлар ва шоирлар одатда ҳукмдорлар ва султонлар саройларида паноҳ топганлар. Улар орасида IX-XI асрларда Хивада ташкил этилган Маъмун академияси ва «Байтулҳикма», яъни «Донишмандлик уйи» деган ном билан шуҳрат қозонган Бағдод академиясида, шунингдек, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат қилган бир гуруҳ олимлар бутун дунёга донг таратдилар.

Тадқиқотчи-олимларнинг фикрича, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ уйғониш даври — Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотчилар қайд этганидек, агар Европа Уйғониш даврининг натижалари сифатида адабиёт ва санъат асарлари, архитектура дурдоналари, тиббиёт ва инсонни англаш борасида янги кашфиётлар юзага келган бўлса, Шарқ Уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди.

Ўрта асрларнинг илк даврида Шарқда амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар ҳақида гапирар эканмиз, замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий номини биринчилар қаторида тилга оламиз. У ўнлик позицион ҳисоблаш тизимини, нол белгиси ва қутблар координаталарини биринчилардан бўлиб асослаб берди ва амалиётга татбиқ этди. Бу эса математика ва астрономия фанлари ривожида кескин бурилиш ясади.

Ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиқди, у астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича кўплаб илмий асарлар муаллифидир. Алломанинг дунё илм-фани ривожидаги хизматлари умумэътироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари «алгоритм» ва «алгебра» каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди.

Аҳмад Фарғоний томонидан IX асрда яратилган «Астрономия асослари» фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган. Аҳмад Фарғонийнинг амалий ютуқларидан бири унинг ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб — устурлоб назариясини ишлаб чиққани ва шунингдек, Нил дарёсида «ниломер» деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратгани бўлди.

Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида бўлганимда, ана шу ниломерни кўриб, бу улуғ аждодимизнинг илмий даҳоси олдида яна бир бор ҳайратга тушиш бахтига муяссар бўлдим.

Фазовий тригонометрия асосчиси деб тан олинган, ўзининг математика ва астрономия соҳасидаги кашфиётлари билан шуҳрат қозонган яна бир буюк аллома Абу Наср ибн Ироқдир. Уни ҳақли равишда «Иккинчи Птоломей» деб атайдилар.

Улуғ қомусий аллома Абу Райҳон Беруниийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин. Беруниийнинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўлёзмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради.

Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанларни ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан «Беруний асри» деб аталиши бежиз эмас.

(Давоми 2-саҳифада).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2014 йил 20-21 май кунлари Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида бўладиган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг тўртинчи саммитида иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш, соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ягона техника сиёсатини амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, шунингдек, республика қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари акциядорларининг акциядорлик жамияти шаклидаги агросаноат машинасозлиги холдинг компаниясини («Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, эҳтиёжга мувофиқ қишлоқ хўжалиги учун турли русумдаги техника ва механизация воситаларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни мувофиқлаштириш, маҳсулотлар турини кенгайтириш ва экспорт қилиш ҳажмини ошириш;

қишлоқ хўжалигининг машинасозлик соҳасида республика қишлоқ хўжалигида ресурс тежайдиган агротехнологияларни жорий этишни таъминлайдиган замонавий, унумдорлиги юқори қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизация воситаларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни ташкил этишга қаратилган ягона илмий-техника ва инвестиция сиёсатини амалга ошириш;

(Давоми 3-саҳифада).

ЎзА сурати

Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция якунланди.

Халқаро конференция якунланди

Президент Ислом Каримов форумнинг очилиш маросимида нутқ сўзлагани барча олим ва мутахассисларни ғоят руҳлантиргани алоҳида таъкидланди.

Анжуманнинг шўъба мажлисларида Шарқ алломаларининг астрономия, математика, география ва геодезия каби аниқ фанлар шаклланишидаги ўрни, тиббиёт, фармакология, кимё ва минералогия сингари табиий фанлар ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси, шунингдек, ўрта асрлар мутафаккирларининг тарихий ва фалсафий мероси, тилшунослик ва адабиёт соҳаларидаги ютуқлари ҳақида сўз юритилди.

Ал-Хоразмий илмий меросининг Темурийлар даври архитектураси ва эпиграфикасига таъсири, Абу Райҳон Беруний ва геологияда геодинамика ғоясининг шаклланиши, Аҳмад ал-Фарғонийнинг гидрологияга оид кашфиётлари, Ибн Сино илмий мероси ҳамда унинг тиббиёт ва фармацевтика ривожланишидаги ўрни, Маҳмуд Замахшарийнинг тилшунослик соҳасидаги хизматлари, Мирзо Улуғбек ва у ташкил этган илмий мактабнинг математика ва астрономия тараққиётига қўшган ҳиссаси, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон адабиёти ва маданияти ривожидаги аҳамияти каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Шуҳрат Эгамбердиев, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биринчи проректори Шуҳрат Сирожиддинов, Хитой Фан ва технологиялар университетининг тарих ва археология факултети раҳбари, профессор Ши Юнли, «Абу Али ибн Сино — Франция» уюшмаси президенти, профессор Марк Боннел (Франция), Лувен католик университети профессори Юл Янссенс (Белгия) ва бошқалар Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро конференция ўрта асрлар алломаларининг илмий меросини ўрганиш, замонавий илм-фан шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссасини идрок этиш, бу борадаги халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади.

Халқаро конференциянинг якуний ҳужжати қабул қилинди.

Анжуман иштирокчилари Самарқанд автомобилсозлик ҳамда Енгил саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида бўлиб, мамлакатимизда жорий этилган 12 йиллик узлуксиз таълим тизими самаралари билан танишди. Меҳмонлар ёшларнинг халқаро стандартлар асосида, замон талабларига мос таълим-тарбия олиши учун яратилган шароит ва имкониятларга юксак баҳо берди.

Тарихий обидалар, буюк алломаларимиз номи билан боғлиқ мажмуалар зиёрати, истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
Голиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ЮНЕСКО бош директорининг ўринбосари Хуберт Гизеннинг нутқи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Буюк Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган мана шу муҳим тадбирда иштирок этиш мен учун катта шараф. Бу шаҳар Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган афсонавий шаҳар, илм-фан, санъат, маданият ва меъморлик маркази. Бу дунё аҳамиятига молик шаҳардир. «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» деб ном олган мазкур халқаро конференцияни ўтказиш учун, ўйлайманки, бундан ҳам яхшироқ жойни танлашни тасаввур қилиб бўлмаса керак.

Энг аввало, ЮНЕСКО учун катта аҳамиятга эга бўлган мавзуга бағишланган ушбу муҳим тадбирни ташкил этгани ҳамда Ўзбекистоннинг таълим-тарбия, илм-фан, маданият, коммуникация ва ахборот соҳаларини ривожлантириш борасидаги қатъий садоқати учун Президент Ислом Каримовга ва Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирмоқчиман.

Ўтган йилнинг август ойида ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова хоним Президент Ислом Каримов билан биргаликда бугун биз тўпланган мана шу масканга яқин бўлган муаззам Регистон майдонида «Шарқ тароналари» 9-халқаро фестивалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этган эди. ЮНЕСКО Бош директорида ушбу ташриф жуда илиқ таассурот қолдирганини ва у киши Сизга, Президент Жаноби Олийлари, ва конференциянинг барча иштирокчиларига энг самимий табрик ва тилакларини етказишимни сўради.

Хонимлар ва жаноблар!

Ушбу конференциянинг айнан Самарқандда ўтказилаётгани жуда катта рамзий маънога эга. Бу кўҳна шаҳар дунё аҳамиятига эга бўлгани учун ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган ва унда «Самарқанд — маданиятлар учрашадиган макон» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

2750 йиллик тарихга эга бўлган Самарқанд шаҳри Марказий Осиёдан, жумладан, афсонавий Буюк Ипак йўлидан ўтган дунё маданиятлари ва йирик савдо йўлларининг чорраҳасида жойлашган. Марказий Осиёдаги Шарқ Ренессанси ҳам буюк аждодингиз Амир Темур томонидан яратилган қудратли ва гуллаб-яшнаган давлатнинг пойтахти — Самарқанд билан чамбарчас боғлиқдир.

Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Ал-Фарғоний, Алишер Навоий каби буюк аллома ва мутафаккирлар дунё илм-фани, фалсафа ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшганлар ва ушбу минтақа довруғини бутун жаҳонга таратдилар. Улар амалга оширган тадқиқотлар ва илмий ишларнинг натижалари бир неча асрлар давомида Европанинг етакчи университетларида илм-фаннинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилган ва бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмасдан келмоқда.

Демак, ушбу алломаларнинг илмий ва ҳаётий жасорати, бебаҳо кашфиётлари нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бошқа қитъаларда ҳам бугунги давр олимлари, айниқса, ёшлар учун сабоқ бўлиб келмоқда, ўрнак ва намуна вазифасини ўтамоқда. Бу эса биз учун халқаро миқёсда илмий фикрлашув доирасини кенгайтириш борасида ибрат бўлиб, илмий тадқиқотлар самарадорлигини янада оширишга имкон беради.

(Давоми 3-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 17-may № 60 (3409)

Президент Ислом Каримовнинг «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

«Ислом оламининг энг машҳур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири» деган унвонга сазовор бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида ғурур ва эҳтиром туйғуларини уйғотади. Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган бу улуғ зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратди. Уларнинг аксарияти аввало тиббиёт ва фалсафа, шунингдек, мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, мусиқа, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишланган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фрэнсис Бэкон ва бошқа кўплаб олимлар авлоди унинг асарларини ўқиб, ҳайратга тушганлар.

Биз доим ғурур ва ифтихор билан эътироф этамизки, тиббиёт тарихида энг машҳур бўлган, «Тиб қонунлари» деб аталган ўзининг бебаҳо фундаментал асари билан Ибн Сино кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб берди, ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усулларига асос солди. Бежиз эмаски, бу китоб Европада XV асрда чоп этилган дастлабки китоблардан бири бўлган ва Европанинг етакчи университетларида қарийб 500 йил давомида тиббиёт илми айни шу асар асосида ўқитиб келинган.

Ибн Сино ва Беруунийнинг бизгача етиб келган Аристотелнинг «Коинот ҳақида китоб» асарига таллиқли ёзишмалари буюк алломаларимизнинг илмий мулоқот олиб бориш, антик давр фалсафий қарашларини чуқур англаш ва уларни ривожлантириш борасида нақадар юксак даражага кўтарилганининг мумтоз намунасидир.

X-XI асрларда Хоразм заминида ижод қилган Беруний, Ибн Сино ва бошқа буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг хизматлари уларнинг илмий ишлари ва асарлари доираси билангина чегараланиб қолмайди, балки инсониятнинг интеллектуал тарихида чуқур из қолдирган илмий мактаб — Хоразм Маъмун академиясини шакллантиришдек муҳим масалани ҳам қамраб олади.

X асрнинг қомусий алломаси Абу Наср Форобийни замондошлари, универсал билимларга эга бўлгани боис, «Шарқ Аристотели» деб атаганлар. У кўплаб фанларни илмий кашфиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий қарашларини ривожлантирди ва 160 дан ортиқ асар ёзди. Улардан энг машҳурлари «Моҳият хусусида сўз», «Фанларнинг пайдо бўлиши ҳақида китоб», «Тафаккур моҳияти» ва бошқа асарлар ҳисобланади. Форобий асарларининг асосий қисми кўплаб Европа ва шарқ тилларига таржима қилинган ва ҳозирги кунга қадар чуқур тадқиқотлар мавзуси бўлиб келмоқда.

Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг бутун бир авлоди ҳақида сўз юритар эканмиз, Амир Темур ва Темурийлар даври деб ном олган давр ҳақида, номи илм-маърифат осмонида бамисоли ёрқин юлдуз бўлиб порлаб келаётган Мирзо Улуғбек ва унинг Қозизода Румий, Али Қушчи сингари кўплаб сафдошлари ва шогирдлари хусусида эсламасдан ўтолмаймиз.

Барчамизга яхши маълумки, Амир Темурнинг набираси бўлган, 40 йил Самарқандда ҳукмдорлик қилган Мирзо Улуғбек астрономия соҳасидаги буюк аллома сифатида шуҳрат қозонган ва унинг номи ҳақли равишда Коперник, Жордано Бруно, Галилей ва бошқа улуғ илм-фан даҳолари қаторида тилга олинади.

Мирзо Улуғбекнинг XV асрда тузган астрономия жадвалида 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви баён қилинган бўлиб, бу асар астрономик ўлчовлар бўйича 16 аср давомида яратилган биринчи янги каталог эди.

Мирзо Улуғбекнинг сафдоши Ал-Коший биринчи бўлиб ўнлик касрларни илмий истеъмолга жорий этди, эркин даражалар илдизларининг изчил яқинлашиб бориши ва уларни топиш методларини ишлаб чиқди.

Мирзо Улуғбек обсерваторияси билан Самарқандни ўраб турадиган энг баланд тепаликлардан бирида жойлашган, буюк аллома номи билан аталадиган музейга ташриф чоғида янада батафсил танишиш мумкин.

Абу Абдуллоҳ Рўдакий, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб буюк файласуфлар, шоир ва маърифатпарварларнинг ижодий меросида донишмандлик ва борлиқ оламни гуманистик англашнинг жуда улкан, битмас-туганмас хазинаси сақланиб келмоқда. Бу мерос ҳақиқатан ҳам жаҳон аҳамиятига молик бебаҳо бойлик ҳисобланади.

Дунё тарихидаги биринчи туркий тиллар луғати бўлмиш «Девони луғатит-турк» китоби муаллифи Маҳмуд Кошғарий бўлиб, у ўз асарида юксак маҳорат билан тўплашга эришган сўз бойлигининг том маънодаги олтин зарраларини – туркий мақол ва шеърларни ҳам келтириб ўтган. Кошғарий туркий халқларнинг тили, маданияти, этнографияси ва фольклорининг биринчи тадқиқотчиси ҳисобланади.

Араб тили грамматикасининг асосчиси сифатида тан олинган буюк тилшунос, адабиётшунос, географ ва файласуф аллома — Маҳмуд Замаҳшарий ҳаётлик давридаёқ кенг шуҳрат қозонган. У, шунингдек, тарихдаги биринчи кўп тилли луғат — арабча-форсча-туркий луғатнинг асосчиси бўлган.

Албатта, биз барчамиз ўрта асрларда Шарқда яшаб ижод қилган, ўша давр воқеаларидан гувоҳлик берадиган бебаҳо асарлар яратган буюк тарихчилар авлодига, энг аввало, Аҳмад ибн Арабшоҳ, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ҳофизи Абрў, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий ва бошқа алломаларга ўзимизнинг чексиз ҳурмат-эҳтиромимизни билдиришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Бугун, орадан деярли минг йил ўтганидан кейин ҳам биз ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг даҳоси, илм-фаннинг турли йўналишларидаги изланишлари ва қомусий билимлари олдида ҳайратга тушамиз. Афсуски, инсоният бошидан кечирган ҳар хил фожиалар, урушлар, табиий офатлар натижасида улар қолдирган буюк мероснинг, айтиш мумкинки, мингдан бир қисмигина бизгача етиб келган, холос. Тарихнинг зулмат ва жаҳолат ҳукмронлик қилган муайян даврларида олимларнинг қувғин ва таъқибга учраб, кўпчилигининг ҳаёти фожиали якун топганини ҳозирги кунда тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Шу билан бирга, далиллар шуни кўрсатмоқдаки, одамлар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар, тўқнашув ва низоларнинг қурбони билимлар манбаи ҳисобланган бебаҳо қўлёзма ва китоблар бўлган. Сизларнинг барчангиз яхши биласиз, қадимги дунёдаги энг улкан ҳисобланган Александрия кутубхонаси, Мирзо Улуғбекнинг ноёб кутубхонаси йўқ қилиб юборилган. Афсуски, бундай ачинарли рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бироқ, барча қийинчилик ва аёвсиз синовларга қарамасдан, аллома ва мутафаккирлар ўзларининг илму фан ривожи йўлидаги бурчига, гуманизм ва маърифат ғояларига содиқ қолдилар.

Бу улуғ зотларнинг илм-фан соҳасига бахшида этган ҳаёти, улар эришган ва бугунги кунда бутун маърифатли инсониятни ҳайратга солиб келаётган ютуқлари — бу, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқий маънавий жасорат намунаси, деб айтишга барча асосларимиз бор ва биз бундай жасорат олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Бугун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин ва буни мен алоҳида қайд этмоқчиман, ўрта асрлар Шарқ даҳоларининг буюк кашфиётларидан иборат илмий мероснинг чуқур қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Ахир, фақатгина Ўзбекистоннинг ўзида китоб фондларида 100 мингтадан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилган. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг қўлёзмалари Европа ва Осиёнинг Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатларидаги кутубхоналарнинг «олтин фонд»ини ташкил этади.

Бу фактлар нимадан далолат беради? Бу, энг аввало, ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини яна бир бор тасдиқлайди. Бу — бебаҳо бойлик, янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, керак бўлса, янги кашфиётлар учун ажойиб материалдир.

Бизнинг давримизгача етиб келган бу бой меросдан бутун башарият равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланиш — бу сиз билан бизнинг вазифамиз, сиз билан бизнинг бурчимиздир.

Бу борада фидойи олимларнинг роли алоҳида диққат-эътиборга муносиб бўлиб, айнан уларнинг меҳнати туфайли биз ўтмишнинг бебаҳо илмий меросини қайтадан кашф этмоқдамиз.

Биласизми, мен баъзан ўйлаб қоламан, дунёда фанлар кўп, илф-фаннинг ажойиб ютуқларини барча соҳаларда кўриш мумкин. Мен бундай машаққатли меҳнатдан доимо ҳайратга тушаман. Бизнинг халқимизда «Илм билан шуғулланиш — игна билан қудуқ қазиш билан баробар» деган мақол бор. Ана шу игна билан қудуқ қазиётганлар бор бўлсин! Улар қўлёзмалар устида 10-20 йиллаб ва ҳатто умрбод ишлаётган инсонлардир. Бундай сабр-тоқат билан меҳнат қилаётган инсонлар қалбида буюк даҳолар меросини бутун дунёга намоён этиш истаги шунчалик кучлики, ҳеч шубҳасиз, бундай даҳоларсиз инсоният равнақ топа олмайди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизларнинг тимсолингизда эса сизларнинг ҳамкасбларингизга — олимлар, тарихчи-шарқшунослар, археологлар, антропологлар, сарғайиб кетган қадимги қўлёзма ва саҳифалар устида кўз нурини тўкиб машаққатли меҳнат қилаётган бошқа кўплаб соҳаларнинг мутахассисларига самимий миннатдорлик билан мурожаат қилиб айтмоқчиман: сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз туфайли ўтмишда яратилган инсоният тафаккури хазинаси бугунги авлодлар ва замондошларимиз учун хизмат қилмоқда, олис-олис даврлар ва цивилизацияларнинг ажойиб ва сирли олами ўзини намоён этмоқда.

Конференциямизнинг энг нуфузли қатнашчиларидан бири, илмий фаолияти Марказий Осиё тарихи, этнографияси, археологияси ва санъатининг биз учун номаълум бўлган саҳифаларини очишга ёрдам берган япон профессори жаноб Като минтақамизнинг йирик тадқиқотчиси ҳисобланади. Унинг Буюк Ипак йўлини, Бақтрия давлатини ўрганишга бағишланган ишлари, шунингдек, 1989 йилдан буён Сурхондарё вилоятининг кўҳна Далварзинтепа ва Қоратепа шаҳарлари ўрнида олиб бораётган археологик тадқиқотлари, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур ва Марказий Осиёнинг бошқа улуғ мутафаккирлари асарларини япон тилига қилган таржималари бизнинг улкан минтақамиз тарихи ва маданияти ҳақидаги билимларни жаҳон мулкига айлантириш имконини берди.

Шахсан мен бу инсоннинг айнан бизнинг халқимиз олдида қилган эзгу ва олижаноб ишларини мамнуният билан эътироф этиб, айтмоқчиман: бу заҳматкаш олим Ўзбекистоннинг «Дўстлик» ордени билан мукофотланган. Бу юксак нишон ушбу атоқли олимнинг ҳаётий қарашларини, эътиқодини, бутун фаолиятини яққол ифода этади, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан. Чунки бундай инсонлар халқлар ва давлатлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди, бундай ришталарсиз инсон, халқ, жамият яшолмайди. Одамзот табиати шундайки, у уруш-жанжалларга эмас, балки дўстликка, бошқа халқлар билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлишга интилиб яшайди. Шунинг учун ҳам мен бу ажойиб инсонга миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бугунги анжуманимизнинг яна бир қатнашчиси — таниқли америкалик тарихчи, археолог, антрополог, Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, 22 та китоб ва 200 дан ортиқ илмий мақола муаллифи – профессор Фредерик Старр жанобларидир. Унинг 2009 йилда «Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши» деб ном олган эссеси АҚШда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган йилнинг энг яхши материали сифатида эътироф этилган.

Шарқ Ренессанси даври Ҳиндистоннинг академик ва маданий доиралари томонидан ҳам чуқур ўрганилмоқда. Бугун ушбу анжуманда Индира Ганди номидаги Миллий маданият марказининг илмий раҳбари, IV-XV асрлардаги Ўрта Осиё ёзма манбаларини қиёсий ўрганиш бўйича узоқ йиллардан буён самарали иш юритиб келаётган профессор Мансура Ҳайдар хоним ҳам иштирок этаётганини айтиб ўтмоқчиман.

Олиманинг «Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома» асарининг тарихий аҳамияти» деб номланган илмий монографияси халқаро миқёсда кенг эътироф этилган бўлиб, у Амир Темурнинг ҳаётлиги даврида унинг давлатчилик фаолиятига бағишлаб ёзилган ягона китобни батафсил тадқиқ этишга қаратилган.

Бизнинг Корея Республикасидан ташриф буюрган яна бир меҳмонимиз, Корея ва Осиё минтақасидаги етакчи олий ўқув юртларидан бири – Инха университети президенти, олий таълим тизимининг тан олинган ташкилотчиси, аэрокосмик муҳандислиги соҳасидаги йирик мутахассис Пак Чун-Бэ Корея Республикасида аэронавтика ва коинот соҳасидаги тадқиқотларга кўп йиллар давомида раҳбарлик қилиб келган. Унинг бевосита ва шахсан иштирокида жорий йилда Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали бакалавр ва магистрларни тайёрлашга ихтисослашган Кореянинг машҳур Инха университети филиали очилади.

Қоҳира университети профессори, турк филологияси ва адабиёти бўйича таниқли олима Магида Маҳлуф хоним ўтган йили «Бобурнома»ни араб тилига таржима қилиш бўйича узоқ йиллик ишини якунига етказди ва унда ўзининг чуқур шарҳлари ва аввалги тадқиқотларга доир танқидий таҳлилларини баён этди. Энг муҳими, бизнинг буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари билан инглиз, форс ва бошқа кўплаб тиллар қатори эндиликда араб тилида ҳам танишиш имкони пайдо бўлди.

Шарқ тарихи ва фалсафасининг турли йўналишлари бўйича 60 дан ортиқ нашр қилинган ишлар муаллифи, Бельгиядаги Лувен католик университети профессори Юль Янссенснинг илмий фаолиятини ҳам биз юксак баҳолаймиз. Олимнинг «Ибн Сино ва унинг араб ва лотин дунёсига таъсири» китоби, «Абу Али ибн Сино ва унинг мероси» тўплами фақат мутахассислар эмас, балки бутун дунё китобхонлари орасида ҳам юқори баҳоланди ва кенг эътироф этилди.

Мен бу инсон билан танишишни кўпдан буён орзу қилганимни айтишни истардим. Бугунги имкониятдан фойдаланган ҳолда, унга мурожаат қилиб, айтмоқчиман: сизни Ибн Синодек даҳо шахснинг айнан қайси жиҳатлари ўзига мафтун этади? Балки сиз бу борада бизнинг телевидениемизда чиқиш қилиб, тарихимиз, маданиятимиз, буюк алломаларимиз, айниқса, Ибн Синога бўлган муҳаббатингиз ҳақида жамоатчилигимизга, ёшларимизга атрофлича сўзлаб берарсиз? Мен буни жуда-жуда истардим.

Хитой Фан ва технологиялар университетининг тарих ва археология факультети раҳбари, профессор Ши Юнлининг номини алоҳида таъкидлашни истардим. У астрономия тарихи соҳасида дунёга таниқли мутахассисдир. Унинг ўрта асрларда Марказий Осиё, Хитой, Корея ва Европада астрономия тараққиётини қиёсий-таҳлилий ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотлари катта шуҳрат қозонди. У астрономиянинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихини оммалаштириш бўйича жаҳонга машҳур олим, айни пайтда Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёдаги қатор етакчи илмий-оммабоп нашрларнинг таҳрир ҳайъати аъзоси ҳамдир.

Европада таниқли врач, соғлиқни сақлашнинг замонавий тизимини ташкил этиш соҳасида тан олинган эксперт, доктор Марк Боннелнинг фидокорона фаолияти катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовордир. У раҳбарлик қилаётган «Абу Али ибн Сино — Франция» уюшмаси Франция ва Европада Ибн Синонинг маданият, фалсафа ва тиббиёт соҳасидаги илмий асарларини оммалаштиришга беқиёс ҳисса қўшмоқда.

Бизнинг конференциямизда, шунингдек, Утрехтдаги Фан тарихи институтидан машҳур голланд олими Роберт ван Гент ҳам иштирок этмоқда. Ушбу тадқиқотчининг нашр этилган ўндан ортиқ китоби, 60 та мақоласи фақат астрономия, картография ва геодезиянинг бугунги долзарб муаммоларини эмас, айни пайтда уларнинг тараққиёт тарихини, жумладан, ўрта асрлар Шарқига мансуб даврни ҳам қамраб олади.

Ўрта асрларда Шарқда яшаб ўтган аллома ва мутафаккирларнинг боқий меросини тадқиқ ва тарғиб этишга, кенг оммага етказишга муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб фидойи олим ва мутахассислар ҳам шундай эътироф ва ҳурматга сазовордир. Сизларнинг барчангизга меҳнатингиз, илм-фан ва маърифат ривожига қўшган ҳиссангиз учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Қадрли дўстлар!

Ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади, десам, ишонаманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз.

Шу муносабат билан улуғ испан адиби Сервантеснинг, тарих — фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўгит, келажак учун эса огоҳлантиришдир, деган сўзларини такрорлаб ўринли бўлади, деб ўйлайман. Менга айниқса «келажак учун огоҳлантириш» деган фикр жуда маъқул бўлди. Нима учун? Нега деганда, ҳақиқатан ҳам, тарихни билмаган киши ҳар қадамда хатога йўл қўяди, ўрта асрлар тарихи билан фахрланмайдиган халқ эса ўз келажагини тасаввур қилолмайди.

Барчамиз яхши тушунамизки, эришилган билимларни, ўтмишда, жумладан, ўрта асрлар Шарқида амалга оширилган оламшумул кашфиётларни чуқур ўзлаштирмасдан туриб на илм-фанда, на бошқа соҳаларда янги, янада юксак марраларни забт этиб бўлмайди. Биз келгуси фаолиятимизда ҳам айни шу тамойилга қатъий амал қиламиз.

Бугунги кунда инсоният олдида янги, глобал муаммолар пайдо бўлмоқда. Улар қаторида мен иқлим ўзгаришлари, экотизим ва биохилма-хилликни сақлаш ва асраб-авайлаш, табиий захираларнинг тугаб бориши ва бошқа шу каби жуда ўткир муаммоларни қайд этишни истардим. Уларнинг оқилона ечими давримизнинг энг кескин муаммосига айланмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш интеллектуал салоҳиятнинг ҳар томонлама ўсишини, кўп асрлар мобайнида вужудга келган қонунларни қайта идрок этиш ва янгича баҳолашни, бизни қуршаб турган борлиқни кенг миқёсда ўрганиш бўйича чуқур илмий тадқиқот ва тажрибалар олиб боришни тақозо этиши мумкин.

Ўзингиз айтинг, бугун бу залда номлари зикр этилган буюк алломалар, улуғ инсонлар ўз кашфиётларини, илмий асарларини ғоят оғир шароитларда яратган эмасми? Улар замонавий лабораторияларга, бугунги кундаги каби илмий асбоб ва жиҳозларга эга бўлмаган. Демоқчиманки, ҳозирги вақтда илм-фан юксак технологиялар, улкан маблағларни жалб этиш ҳисобидан ривожланади. Илм-фан ва маданиятни буюк сармоялар киритмасдан, ҳар томонлама қўллаб-қувватламасдан равнақ топтириб бўлмайди. Бу соҳадаги доимий юксак эътибор, катта маблағ ва сармоялар, ҳеч шубҳасиз, катта-катта ғоялар ва кашфиётларга сабаб бўлади.

Табиийки, улкан ҳажмдаги маблағ ва харажатлар билан бирга, ўз навбатида ўтмишда амалга оширилган беқиёс илмий ютуқлардан оқилона фойдаланиш талаб қилинишини ҳам ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шуларни эътиборга олганда, «XXI аср — билим ва интеллектуал тафаккур асри» деган фикр бежиз айтилмагани ўз-ўзидан аён бўлади. Бугунги кунда «Энг кўп талаб қилинадиган ва ўзини энг кўп оқлайдиган сармоя — бу инсон капиталига йўналтирилган сармоядир» деган ҳақиқатнинг ҳаётда тобора мустаҳкам қарор топиб бораётгани тасодиф эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бу ўринда нима назарда тутилмоқда?

Ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва қўпайтиришга, шунингдек, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувига, гражданлик позициясига эга бўлган шахси камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга маҳкум эканини биз ўзимизга яхши тасаввур қилиб келганмиз ва яхши тасаввур этамиз.

Биз ўз мустақиллигимиз ва суверенитетимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўтмишда шаклланган таълим тизимини тубдан ислоҳ қилмасдан туриб, эски коммунистик мафкуранинг қолип ва ақидаларидан бутунлай воз кечмасдан, ёшларнинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамламасдан туриб янги жамиятни барпо этиб бўлмайди, деган қатъий хулосага келган эдик.

Агар Ўзбекистонда бугун яшаётган 31 миллион аҳолининг 60 фоизидан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу ислоҳотларнинг зарурати ва роли ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

Мамлакатимизда қабул қилинган миллий дастурга кўра, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Бу аввалгамбор 12 йиллик тўлиқ бепул, мажбурий таълим қонуний асосда йўлга қўйилганини англатади. Агар инсон ўз мамлакати Конституцияси, халқи ва Ватани олдидаги фарзандлик бурчини бажаришни истаса, у биринчи навбатда ўз фарзандининг 12 йиллик таълим олишини таъминлаши, бунинг учун барча-барча шароитларни яратиб бериши керак.

Бу моделнинг принципиал хусусияти аввалгамбор шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайдилар.

Мен сизларнинг ана шу лицей ва коллежларни — бу Самарқандда бўладими, Тошкентда бўладими, олис шаҳар ва туманларда бўладими — ана шу ўқув юртларини албатта бориб кўришингизни истардим. Бу коллежлар энг юксак замонавий талаблар асосида бунёд этилган ва барча жиҳозлар билан таъминланган. Биз энг замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида 1500 та ана шундай коллеж ва лицейлар барпо этдик. Илгари хорижлик меҳмонларга экзотика намуналарини кўрсатардик. Бугун эса уларга болаларимиз қандай ўқиётгани, уларга қандай замонавий шароитларда билим бераётганимизни, қандай авлод воғаға етаётганини кўринг, деймиз. Яна шуни таъкидламоқчиманки, ушбу коллежларда таҳсил олаётган ёшларимиз икки-уч мутахассисликка эга бўлиш билан бирга, хорижий тилларни, аксарият ҳолларда инглиз тилини ўрганмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ана шу мажбурий таълимдан сўнг ёш йигит-қизларимиз, ўз хоҳишларига кўра, бакалавр ёки магистр даражасига эга бўлиш учун олий ўқув юртларида таҳсил олишни давом эттиришлари мумкин.

Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш дастури ҳаётимизга муваффақиятли жорий этилиши натижасида узлуксиз таълимнинг замонавий талабларга жавоб берадиган яхлит тизими яратилди. Бу тизим таълим жараёнларининг барча босқичларини — мактабгача ва мактаб таълимидан тортиб ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим бўғинини, шунингдек, халқаро меъёрларга мос ҳолда бевосита фан доктори даражасини олиш учун диссертация ҳимоясини назарда тутадиган олий таълимдан кейинги бир босқичли таълимни ўзига қамраб олади.

Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар бошланганидан буён олий ўқув юртлари сони 2 марта ошди, бугунги кунда 60 та университет ва институтда 230 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Ўзбекистонда Европа ва Осиёнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефт ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети филиаллари фаолият юритмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий университети, Фанлар академияси ва Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти — Кембриж университети билан биргаликда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда.

2014 йилнинг сентябр ойидан бошлаб юртимизда, юқорида зикр этилганидек, Жанубий Кореянинг Инха университети филиали фаолият кўрсатади, унинг асосий йўналишини ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер муҳандислиги соҳасидаги таълим ташкил этади.

Ёшларимизнинг минглаб иқтидорли вакиллари Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим олмоқда, бу эса уларнинг билим ва малакасини оширишда кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Бугунги кунда, БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон давлат бюджетидан ҳар йили 35 фоиз маблағ айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири — «ИНСЕАД» томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллагани бежиз эмас, албатта.

Холис инсонлар бизнинг таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ишларимиз ҳақида холисона хулоса чиқаргани учун миннатдормиз. Биз бундай ҳар томонлама асосланган тадқиқотлар олиб бориб, умумий хулосалар чиқариш билан шуғулланадиган илмий-таҳлилий марказ мавжудлигидан бехабар эдик. Бундай марказлар фаолияти жуда фойдали деб ўйлайман ва биз ана шундай юксак эътирофдан руҳланиб, янада юқори ўринларга кўтарилиш учун янада қаттиқ бел боғлаб ҳаракат қиламиз. Биринчи ўринга даъвогарлик қилишдан чўчиб турган бўлсак-да, биз шунга интилиб яшашга ҳақлимиз, деб ўйлайман.

Муҳтарам конференция қатнашчилари!

Ўрта асрлар Шарқи буюк алломаларининг илмий меросини, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш ва амалда оммалаштиришга бағишланган ушбу конференцияни ўтказиш ўта муҳимлиги ва мақсадга мувофиқ эканига бизнинг ишончимиз комил, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Форум қатнашчиларининг таркибини эътиборга олган ҳолда айтадиган бўлсам мен сизлар билан олдиндан танишман.

Сизларнинг ялпи мажлис ва секциялар бўйича ўтадиган йиғилишларда билдирадиган таклиф-мулоҳазаларингиз муҳокама этилаётган мавзуга оид долзарб масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этиши, ушбу конференция ишини мазмунан бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки бундай мавзудаги конференция дунёда камдан-кам бўладиган анжумандир. Ўйлайманки, унинг натижасига кўра жуда бой материалларга эга бўламиз. Бизнинг истагимиз шуки, Шарқ қўлёзмаларида сақланаётган улкан меросдан барча-барча инсонлар баҳраманд бўлсин. Уларни одамларга, аввалгамбор ёшларимизга етказиш айни муддао бўлур эди.

Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: «Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак», деб айтаман. Айни вақтда «Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинглар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!» деб такрорлайман.

Биз келгусида юртимиз ва хориждаги тегишли етакчи университетлар, илмий ва тадқиқот марказлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик мустаҳкамланиб боришидан манфаатдормиз ва бугунги конференциядан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам шундан иборат эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шуниси муҳимки, олим ва мутахассисларнинг ҳамкорлиги униб-ўсиб келаётган ёш авлод, талаба ва ёшларнинг ўзаро алоқалари учун ҳам, улар дунёнинг қайси жойида яшаши, ўқиши ёки меҳнат қилишидан қатъи назар, кенг йўл очиб беради.

Айни шу жиҳатдан ҳам биз мазкур анжуманнинг аҳамиятини чуқур англаб турибмиз. Конференция ушбу мавзу доирасида бизни бир-биримизга янада яқинлаштиради. Анжуман мавзуси эса, уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, мазкур йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш ва шу мақсадда ажратилаётган маблағларни янада кўпайтиришга қодир эканимизни бутун дунёга намоён этади.

Шунинг учун ҳам биз бундай форумларнинг мунтазам ўтказиб турилиши тарафдоримиз. Ўзбекистон халқи ғоят меҳмондўст, сиз, муҳтарам меҳмонларимиз бунга ҳар бирингиз ўз мисолингизда ишонч ҳосил қилишингизни хоҳлаймиз. Шу боис сизларни фақат Самарқанд ва Тошкентда эмас, мозий гавҳари бўлган Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бизнинг буюк тарихимизни, қадимий цивилизация ютуқларини асраб-авайлаб келаётган бошқа шаҳарларимизда ҳам кўришдан мамнун бўламиз.

Ушбу юксак минбардан туриб шу муҳташам залда тўпланганларга яна бир бор самимий ҳурматимни изҳор этаман, ишингиз самарали бўлишини, Ўзбекистонга сафарингиз сизларда ўчмас таассуротлар қолдиришини истайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги-янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

энергия ва металл ишлатилишини тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш;

холдинг компанияси таркибига кирадиган корхоналар ва республиканинг бошқа корхоналари ўртасида илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги техникасига хизмат кўрсатиш соҳасида ягона сервис сиёсатини амалга ошириш.

3. «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясининг ташкилий тузилмаси ва унинг бошқарув ходимлари чекланган сони 35 кишидан иборат ижро аппарати тузилмаси 1- ва 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Компания бошқаруви раисига зарур ҳолларда, унинг ижро аппарати тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартишлар киритишга рухсат этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда холдинг компанияси акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига биноан тайинланади.

4. Белгилансинки, «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясининг бошланғич низом жамғармаси компанияга мустақил баҳолаш ташкилоти томонидан белгиланган қийматда бериладиган давлат акция пакетлари ва улушлари ҳисобидан 3-иловага мувофиқ шакллантирилади.

Холдинг компаниясига тушган маблағларни соҳага оид инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан компания акциялари пакетининг камида 51 фоизини давлат тасарруфида сақлаб қолган ҳолда, акциялар қўшимча эмиссиясини амалга оширишга рухсат этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

тракторлар, тиркама ва пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни янги ташкил этиладиган «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очиқ акциядорлик жамиятида жамлаш ва «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятини қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш;

«Агрегат заводи» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини «Чирчиққишлоқмаш» очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш майдонларига босқичма-босқич кўчириш ва улар негизида осма ва тиркамали қишлоқ хўжалиги техникасининг замонавий турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш, «Чирчиққишлоқмаш» очиқ акциядорлик жамиятини қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш;

янги ишлаб чиқариш корхоналарини 4-иловага мувофиқ жойлаштириш учун «Тошкент трактор заводи» ва «Чирчиққишлоқмаш» очиқ акциядорлик жамиятларининг бўшайдиган ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари ҳамда ер участкаларини «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси балансига унинг низом жамғармасидаги давлат улуши ҳисобидан белгиланган тартибда ўтказиш;

«Агрегат заводи» очиқ акциядорлик жамиятида қишлоқ хўжалиги техникаси учун компонентлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилишини сақлаб қолиш, бунда акциядорлик жамиятининг устав жамғармасида давлат улушини «Агрегат заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг бюджет ва давлат мақсадли фондлари олдидаги қарздорлигини, ҳисобланган пеня ва жарималари билан бирга капиталлаштириш эвазига кўпайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқулансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очиқ акциядорлик жамияти ва «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг низом жамғармаларини шакллантиришни белгиланган тартибда таъминласин.

Белгиланснки, «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» ва «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очиқ акциядорлик жамиятларининг бошланғич низом жамғармалари тугатилаётган «Тошкент трактор заводи» ва «Чирчиққишлоқмаш» очиқ акциядорлик жамиятларининг бюджет ва давлат мақсадли фондлари олдидаги қарздорлигини, жумладан, қарздорликни сўндириш пайтигача ҳисобланган пеня ва жарималарни қўшган ҳолда ундириш ҳисобидан мулк комплексларининг бир қисми сифатидаги давлат улуши эвазига шакллантирилади.

7. «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси 2019 йилнинг 1 январигача «Тошкент трактор заводи» ва «Чирчиққишлоқмаш» очиқ акциядорлик жамиятларини тугатиш жараёни ниҳоясига етгач, компанияга бериладиган ер участкалари ва мулк бўйича ер солиғи ва мулк солиғидан озод этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, холдинг компаниясига берилган ер участкалари ва мулк негизида ташкил этиладиган янги корхоналар ер ва мулк солиғини ўрнатилган тартибда тўлайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2014-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурида кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа муассасалари ва бошқа объектларга хизмат кўрсатиш учун Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида (ТТЗ-1, ТТЗ-2, ТТЗ-4 ва Юғнакий даҳаларида) энергия тежайдиган замонавий ускуналар билан жиҳозланган маҳаллий қозонхоналарни қуриш ва уларни 2015 йилнинг биринчи чорагидан кечиктирмай ишга туширишни кўзда тутсин.

Маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида маҳаллий қозонхоналар қуришни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Мирзо Улуғбек туманидаги маҳаллий қозонхоналар фойдаланишга топширилгач, уч ой муддатда Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уйда жойлашган бино ва иншоотларни белгиланган тартибда бузиш, қозонхона ускуналарини қайта монтаж қилишни таъминласин.

10. «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича Ишчи комиссияси 5-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишчи комиссия (У.У.Розуқулов) қонунчиликда белгиланган тартибда:

икки ой муддатда «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси шакллантирилишини ташкил этиш, компания таъсис ҳужжатларини тайёрлаш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш, унинг низомини тасдиқлаш, ижро аппаратини юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

«Тошкент трактор заводи» ва «Чирчиққишлоқмаш» очиқ акциядорлик жамиятини тугатиш жараёнини ташкил этишни таъминласин;

«Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси ижро аппаратини Тошкент шаҳар, Буюк Ипак йўли кўчасидаги 434-уйда (1-маъмурий-маиший корпусда) жойлаштирсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда қуйидагиларни кўзда тутадиган 2014-2016 йилларда республикада қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизматларини кўрсатиш тизимининг фаолият кўрсатишини янада такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизматларини кўрсатишнинг замонавий услублари ва технологияларини жорий этиш;

мамлакатимиз машинасозлик корхоналарида республикада фойдаланилаётган қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизматларини кўрсатиш учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизматларини кўрсатишда контрафакт ва сифати бўйича замонавий талабларга жавоб бермайдиган эҳтиёт қисмлардан фойдаланишга йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш ва уларга сервис хизматларини кўрсатиш учун, жумладан, ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларининг республика машина-трактор парклари билан ўзаро яқин ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, механизаторлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш.

12. Қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, таъмирлаш ва унга сервис хизматларини кўрсатиш бўйича механик-ҳайдовчилар ва механикларни тайёрлаш учун масъул асосий касб-ҳунар коллежлари рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда икки ой муддатда 6-иловада кўрсатилган касб-ҳунар коллежларини зарур ускуналар, материаллар, ўқув ва кўргазмали қўлланмалар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаси намуналари билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ва «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 15 май

Пойтахтимизда Жанубий Кореянинг Инха университети президенти Пак Чун-Бэнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган учрашув видеоконференция шаклида ўтказилгани унда мамлакатимиз ҳудудларидан ҳам абитуриентларнинг иштирок этишига имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари Ш.Шерматовнинг таъкидлашича, мамлакатимизда таълим соҳасининг изчил ислоҳ этилаётгани барча йўналишлар, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам юқори малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз пойтахтида Жанубий Кореянинг Инха университети филиали очилиши амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ёрқин самараси бўлди.

Инха университети президенти билан учрашув

Тадбирда Пак Чун-Бэ Тошкент шаҳридаги Инха университетида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етакчи мутахассислар тайёрлаш учун барча зарур шароит яратилишини таъкидлади. Президентимизнинг 2014 йил 24 мартда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида Инха университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27 мартдаги «Тошкент шаҳридаги Инха университетининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Пак Чун-Бэ Тошкент шаҳридаги Инха университети яқин келажакда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасида ахборот технологиялари саноати мутахассисларини тайёрлайдиган етакчи марказлардан бирига айланишига ишонч билдирди.

Мамлакатимизнинг ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари янги олий ўқув юртига кириш, бу ерда таҳсил олишга оид ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди ва Жанубий Корея олий таълим тизими билан танишди. Видеоконференцияда Тошкент шаҳридаги Инха университетига кириш имтиҳонлари саволларининг намуналари намойиш этилди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

ЮНЕСКО бош директорининг ўринбосари Хуберт Гизеннинг нутқи

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ЮНЕСКО турли минтақалар олимлари ўртасидаги учрашувлар ва тажриба алмашувлар бу жараёнга жалб этилган барча халқларнинг фаровонлигини оширишга ёрдам беришига ишонч билдиради. Чунки бу ўзаро ҳамфикрлик муҳитини яхшилайди, пировардида ижтимоий уйғунликни мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Шундай қилиб, бундай мулоқот ва фикр алмашувлар ЮНЕСКОнинг асосий миссиясида алоҳида ўрин тутадиган инсоният тафаккурида тинчликни ҳимоя қилиш тамойилларини қарор топтириш борасида энг муҳим омил вазифасини ўтайди.

Кейинги 40 йилда ЮНЕСКО Марказий Осиёда мулоқот ва тадқиқотларни кучайтиришга қаратилган бир қатор аҳамиятга молик ташаббусларга етакчилик қилиб келган. Олти жилддан иборат бўлган, «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» деб номланган китоблар туркуми ушбу минтақанинг тарихи, маданияти ва илмий ютуқларининг ўта чуқур ва муҳим илмий тадқиқотлари самарасидир. Бундан ташқари, яқинда ЮНЕСКО Буюк Ипак йўли масалалари бўйича билимлар алмашиш учун мўлжалланган, турли илмий йўналишлардаги ёндашувлар орқали олим ва тадқиқотчиларни бирлаштиришга қаратилган «Ипак йўли» онлайн платформаси» инновацион ташаббусини амалга оширишни бошлаб юборди. Ушбу ташаббус, Осиё, Африка ва Европанинг 55 та мамлакатини бирлаштирган ҳолда, халқаро ҳамкорлик, ривожланиш ва мулоқот юритиш мақсадида Буюк Ипак йўлини замонавий рақамли маконда қайта тикламоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

Кеча Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада, Паркентдаги Қуёш энергетикаси бўйича халқаро марказда, Ботаника боғида бўлиб ўтган қатор учрашувлар ҳамда ўзбек олимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбати чоғида мен илм-фан соҳасидаги Ўзбекистон тараққиётининг асосий босқичлари билан шахсан танишдим. Шунингдек, мен раҳбарлар, олимлар ва талабалар билан биз умид қилаётган ёрқин келажак режаларини амалга оширишда илм-фан, технология ва инновацияларнинг роли тўғрисида фикр алмашиш имконига эга бўлдим.

Шуни айтмоқчиманки, ташрифим давомида мен ёш авлод вакиллари — ўқувчилар, талабалар, ёш олимлар ва оддий одамларнинг мамнун чеҳрасига алоҳида эътибор қаратдим.

Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон — келгуси тараққиёт учун ишончли пойдевор сифатида хизмат қиладиган ёшлардан иборат, ўқимишли, руҳи ва маънавияти юксак инсонлар мамлакати эканидан далолат беради.

Айни пайтда бундай ташриф ва фикр алмашувлар Ўзбекистон раҳбарияти, ўрта асрлар Шарқининг таълим-тарбия, илм-фан ва маърифатни ривожлантиришдаги юксак анъаналарини давом эттирган ҳолда, илм-фан ва таълимни ривожлантириш масалаларига нақадар муҳим аҳамият бераётгани мамлакат келажагини шакллантиришда илғор билимларни жалб қилиш вазифасига қанчалик содиқлигини намоён этди. Президент Ислом Каримов Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқининг бу йўналишда эришган натижалари ва саъй-ҳаракатларига тасаннолар айтишимизга ижозат бергайсиз.

Биз ўтмиш тажрибасидан фойдаланамиз ва барқарор келажакка интиламиз. Шундай қилиб, мазкур анжуман тарихга назар ташлаб, эришилган билимлар, ақл-заковат ва салоҳият ютуқларидан фойдаланиб, уларга таянган ҳолда барчамиз учун барқарор келажакни барпо этишга қулай имконият яратмоқда.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи хорижлик олимлар ва экспертларда катта қизиқиш уйғотди.

ЎзА махсус мухбирлари анжуман иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Буюк даҳоларни етиштирган юртнинг келажаги албатта буюк бўлади

Юл ЯНССЕНС, Лувен католик университети профессори (Белгия):

— Президент Ислом Каримов конференциянинг очилиш маросимида илмий фаолиятимга юксак баҳо берганидан ниҳоятда тўлқинланиб кетдим. Тарихни, бугунги кунни ва келажакни яхши биладиган, илм-маърифатни қадрлайдиган инсон бундай самимий фикрларни айтади. Бу фикрлар мен учун катта шараф, айни пайтда юксак масъулият.

Европада Шарқ цивилизацияси, хусусан, Мовароуннаҳр тарихини жуда қадрлашади. Мен ушбу ҳудуднинг тарихий ривожи, буюк алломалари илмий меросини ўрганишга бутун ҳаётимни бағишлаганман.

Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк олимларнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Улар яратган кашфиётлар, қомусий асарлар ва илмий ишлар бутун жаҳон аҳлининг бойлигига айланган. Масалан, Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари асрлар давомида бутун Европа шифокорлари учун асосий қўлланма бўлиб келган. Швейцариялик машҳур тиббиёт тарихчиси Арнолд Клебс бу асарни барча даврларнинг энг муҳим ва долзарб интеллектуал феномени, деб таърифлаган.

Мен Ибн Синонинг тиббиёт, биология, минералогия, геология ва фалсафа соҳаларидаги тадқиқотларини юксак қадрлайман. Уларни ўрганиш асосида «Ибн Сино ва унинг араб ва лотин дунёсига таъсири», «Абу Али ибн Сино ва унинг мероси» каби китоблар ёзганман. Алломанинг дунё илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси ва шундай буюк даҳоларни етиштирган замин олдида таъзим қиламан. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг аждодларингизнинг илмий-маънавий меросини асраш, келгуси авлодларга етказиш борасидаги буюк хизматларидан кўпчилик ўрнак олса арзийди. Бунинг учун Президент Жаноби Олийларига чексиз миннатдорлик билдираман.

Пак Чун-БЭ, Инха университети президенти (Жанубий Корея):

— Самарқанд қадимдан жаҳон илм-фани марказларидан бири бўлган. Бу ерда камол топган олиму мутафаккирлар бугунги авлодларнинг фахру ифтихорига айланган.

Президент Ислом Каримов конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида ёшларга мурожаат қилиб, уларни буюк аждодлари билан фахрланишга, ғурурланишга чақириб, айни вақтда бобокалонларининг бебаҳо меросини янада бойитишга муносиб ҳисса қўшиш кераклигини таъкидлади.

Бу жуда тўғри талаб, эзгу мақсад. Буюк инсонларга муносиб бўлишга, улар бошлаган ишларни ривожлантиришга интилиш ёшларни камолотга етаклайди.

Ўзбекистонда бунинг учун барча шароит бор. Мактабгача ва мактаб таълими, ўрта махсус ва олий таълим бўғинини қамраб олган узлуксиз таълим тизими, шунингдек, олий таълимдан кейинги диссертация босқичлари халқаро меъёрларга мос ҳолда ташкил этилган. Бу Президент Ислом Каримовнинг ёшларнинг ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб етишиши учун қаратаётган улкан эътибори ва ғамхўрлигининг амалдаги ифодасидир.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб соҳалар қатори таълим тизимида ҳам изчил тараққий этаётгани бизни ғоят қувонтиради. Давлатингиз раҳбарининг 2014 йил 24 мартдаги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрида ташкил қилинаётган Инха университети ана шу ҳамкорликнинг яққол намунасидир. Ушбу университет Ўзбекистон билан фан-таълим, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларидаги алоқаларимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети профессори, «Глобал илмий нашрлар» маркази директори (АҚШ):

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари боис мамлакатингизнинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда.

Ўзбек халқи бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворисларидир. Бу муқаддас заминда вояга етган буюк алломалар, олиму фузалолар жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Мамлакатингиз мустақиллиги шарофати билан хорижда буюк аждодларингизнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Президент Ислом Каримов томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шаҳару қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ҳар қадамда кўзга ташланиб турибди. Кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, муҳташам бино ва иншоотлар юртингиз кўркига кўрк қўшмоқда. Халқаро конференция иштирокчилари тўпланган Самарқанддаги Қабуллар уйи шундай гўзал ва маҳобатли мажмуалардан бири бўлибди. Бу саройнинг кўрку салобати, ландшафт дизайни ҳаммада ҳайрат ва ҳавас уйғотди.

Ли ЦЗИНСЮ хоним, Хитой ижтимоий фанлар академияси Тарих институтининг Евроосиё тадқиқотлари маркази директори, профессор:

— Мен Марказий Осиёнинг тарихини кўп ўқиб, ўрганганман. Ўзбекистон азалдан минтақадаги муҳим мамлакат бўлиб келган. Қадимда ватандошларингиз Хитойга бориб, у ерда санъат ва маданият, савдо-сотиқ ва тиббиёт каби ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Бу анжуман ўрта асрлар Шарқ алломаларининг дунё илм-фани равнақига қўшган бемисл ҳиссаси ҳақида фикр алмашиш, аждодларингизнинг илмий фаолиятини таҳлил этиш имконини бергани билан аҳамиятлидир.

Бу ҳақда гап кетганда, аввало Амир Темурни эслайман. Соҳибқиронинг кучқудрати, салтанати дунё тарихида ўчмас из қолдирган. Унинг «Куч — адолатда» деган машҳур сўзлари инсонларни тўғрилик, ҳалоллик ва юксак маънавият билан яшашга ундаб келмоқда.

Ўзбекистонда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, миллатлараро тенглик ва тотувликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар замирида ана шундай мақсад мужассам.

ЎзА махсус мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.
ЎзА сурати

Ishonch
2014-yil 17-may № 60 (3409)

Энг фаол ёш мутахассис

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Андижон темир йўл масофасида ишлайман. «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» республика кўрик-танлови эълон қилингач, унда қатнашиш иштиёқи туғилди.

Бу ҳам бир имконият

Корхонамизда ўтказилган биринчи босқичда ғолиб бўлиб, кейинги босқичда қатнашиш учун ҳужжатларимни Қўқон минтақавий темир йўл узелига жўнатдим.

Ушбу босқичда Қўқон ҳудудий касаба бирлашмасига қарашли 10 та ташкилот, хусусан, Қўқон минтақавий темир йўл узели, Қўқон электр таъминоти корхонаси, Қўқон Вагон депоси, Қўқон локомотив депоси, Андижон локомотив депоси, Қўқон алоқа ва ишорат корхонаси, Қўқон темир йўл масофаси корхонаси вакиллари иштирок этди.

Қизғин баҳсларда биринчиликни эгалладим ва Тошкентда ўтадиган 3-босқичда катнашиш ҳуқуқини қўлга киритдим. Ушбу имкониятдан унумли фойдаланиб, юқори поғоналардан бирини эгаллаш ниятидаман.

Ҳилола КАРИМОВА,
«Ўзбекистон темир йўллари»
ДАТК Андижон темир йўл
масофаси ходими

Илҳом Раҳимов 2011 йилда Ўзбекистон миллий университети механика-математика факултетини «амалий математика ва информатика» йўналиши бўйича тамомлаб, Урганч давлат университети физика-математика факултети «информатика ва ахборот технологиялари» кафедрасида иш бошлади. Интилувчан, билимдон ва ташаббускор ёш педагог тез орада ҳамкасблари ва талабалар меҳрини қозонди.

Кучлилар сараланди

Ҳозирги ахборот асрида компютер технологияларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти катта. Шу маънода Урганч давлат университетида ўқув жараёнини автоматлаштириш, электрон кутубхона базасини яратиш ва мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Илҳом Раҳимов каби ёш, янги ғояларга бой ўқитувчиларнинг кўмаги беқиёс бўлмоқда. Илҳом, шунингдек, университет веб саҳифасини яратиб, олий таълим муассасасидаги янгиликлар, таълим жараёни, илмий изланишлардан бутун дунё баҳраманд бўлишига муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда уюштирилаётган «Энг ёш фаол мутахассис» танловининг Урганч давлат университетида ўтказилган босқичида Илҳом Раҳимов «Энг фаол ёш дастурчи» номинацияси ғолиби бўлди.

— Танлов учта йўналишда ташкил қилиниб, ўн тўрт нафар ёш мутахассис ўз имкониятларини яна бир карра синовдан ўтказди, — дейди УрДУ касаба уюшма қўмитаси раиси О.Отажонов.

Танлов якунига кўра, барқарор тараққиёт ва экологик таълим кафедраси ўқитувчиси Музаффарбек Бекчанов «Энг фаол ёш олим», қурилиш ва архитектура кафедраси ўқитувчиси Қаҳрамон Сайидов «Энг фаол ёш қурувчи» номинацияси ғолиблари бўлдилар. Улар ҳам Илҳом каби ўз йўналишлари бўйича қатор янгиликларни амалиётга жорий қилиб улгурган, бўлажак мутахассисларга илм-фан, касб сирларини пухта ўргатаётган ўқитувчилардир.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Энг фаол ёш ўқитувчи

Коллежимизда касбини сидқидилдан севадиган фидойи ёшлар кўп. Улардан бири Нодира Умирова. У ўқувчиларга «Ахборот технологиялари ва компютер графикаси» фанидан сабоқ беради. Инглиз тилида равон гапиради. «Компютер саводхонлиги» тўгарагини бошқаради. Илмий-амалий семинарларда конференцияларнинг фаол иштирокчиси.

Ҳар жабҳада илғор

«Компютер графикаси» фанига доир таълим технологиясидан республика касб-ҳунар коллежларида фойдаланилмоқда. Жорий йилнинг 1 мартида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети уюштирган «Таълим тизимини ривожлантиришда таълим босқичлари ўртасидаги интеграция жараёнларини чуқурлаштириш» мавзуидаги илмий-амалий анжуманда Нодира Умированинг «Инновацион таълим технологияларидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари» номли мақоласи кўпчиликнинг эътиборини тортди.

— Онажонимга хос изланувчанлик менга ҳам ўтганлигидан хурсандман. Бир ишни бошлашдан аввал уларнинг дуосини оламан, — дейди Нодира.

Вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташкил этган танловнинг «Энг фаол ёш ўқитувчи» номинацияси бўйича Н.Умирова туман миқёсида ғолибликни қўлга киритди. Эндиликда у танловнинг вилоят босқичида иштирок этади.

Насиба НАСИМОВА,
Муборак ижтимоий-иқтисодиёт коллежи
директорининг маънавий-маърифий ишлар
бўйича ўринбосари

Ўқув-семинар

Миробод тумани истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси кенгаши томонидан «Меҳнатни муҳофаза қилиш ва жамоатчилик назоратининг олиб борилиши» мавзуида ўқув-семинар ўтказилди. Унда тармоқ касаба уюшмасига аъзо бўлган тумандаги корхона ва ташкилот раҳбарларига корхона ва ташкилотларда бахтсиз ҳодисалар содир этилишининг олдини олиш бўйича тушунчалар берилди.

Хавфсиз меҳнат шароити

Машғулот давомида меҳнат муҳофазаси маданиятини ривожлантириш, ходимларга муносиб меҳнат шароити яратиш, корхона ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси ҳолатини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида давлатнинг энг яқин ҳамкори ҳисобланган касаба уюшмаларининг ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш борасида олиб бораётган ишларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Семинарда Миробод туманидаги энг намунали касаба уюшма бошланғич ташкилоти «TOSHUYJOYLITI» ОАЖнинг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси Ф.Азимова меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхши йўлга қўйишда ходимларни соҳа бўйича ўқитиш муҳим чора эканлигини таъкидлади.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Касаба-тур — 2014»

Кўтаринки кайфият билан

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган «Касаба-тур» веломарафони ўзида эзгу мақсадларни мужассам этган. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудлари, чекка-чекка қишлоқларда спорт иншоотлари қад кўтармоқда, спорт мактаблари, тўгаракларида минг-минглаб ёшлар бажонидил машғулотларда қатнашмоқда.

Касаба уюшма ташкилотлари ҳам аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдаги фаолиятини тобора янги-янги ташаббуслар билан бойитиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Касаба-тур» веломарафонига юртимизнинг барча ҳудудларидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ҳаваскор велоспортчилар, чекка ҳудудларда яшовчи аҳолининг кенг қатлами жалб этилди. Бундан кўзланган мақсадлар аниқ — аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, таъсирчанлигини ошириш, ходимларни турли касб касалликларидан асраш, шу орқали иш унумдорлигини ошириш. Бундан ташқари, биринчи навбатда, аёллар ва ёшларнинг оммавий спорт турларига бўлган қизиқишларни орттиришдир. Чунки аёллари, фарзандлари соғлом юртгина келажакка дадил одимлар ташлашга қодирдир.



«Касаба-тур — 2014» веломарафонининг ҳудудий босқичлари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва пойтахтимизда кўтаринки кайфиятда, уюшқоқлик билан ташкил этилди. Минглаб юртдошларимиз ўз имкониятларини синовдан ўтказиб олдилар, ғолиблар эса якуний — республика босқичига йўлланмаларни қўлга киритдилар.

Кеча якуний босқич иштирокчилари Тошкентда зўр тантана билан кутиб олинди.

— Мусобақада биринчи марта иштирок этишим. Беш фарзанднинг онасиман. Ёшим қирқдан ошган бўлса-да, ўзимни тетик ва бардам ҳис этаман. Бунинг сабаби, велоспорт билан доимий равишда шуғулланишимда, деб ўйлайман. «Саёҳат сари» меҳмонхонасида бизга яратилган шароитни, эътиборни кўриб, жудаям хурсанд бўлдик. Веломарафонда ғолиб чиқишни, бешта қизимни ғалабам билан хурсанд қилишни хоҳлайман, — деди Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ходимаси Зилола Жўраева.

— Веломарафоннинг якуний босқичида қатнашиш учун Қорақалпоғистон Республикасининг чекка тумани Тахтакўпирдан келдим. Бугунги кунда велоспорт юртимизнинг барча гўшаларида кенг қулоч ёйиб бормоқда. Бундан биз — велоспорт ишқибозлари фақат хурсанд бўламиз. Шогирдларимга велоспорт билан шуғулланиш кераклигини ҳар доим уқтираман, — деди Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ходимаси Гулсара Ўндасинова.

— Мени бир нарса жудаям қувонтиради: аёлларимизнинг спортга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Аёл соғлом бўлса, фарзандлар соғлом бўлади. Фарзандларнинг бардам-бақувват бўлиб вояга етиши эса юртимизнинг янада гуллаб-яшнашидан далолатдир. Мазкур мусобақанинг республика босқичида учинчи марта иштирок этяпман. Ҳар йили ўзгача таассуротлар, ҳиссиётлар билан қайтаман. 2012 йилги веломарафонда учинчи ўринни қўлга киритгандим. Бу гал натижамни яхшилаш ниятидаман, — деди «Ўзтелеком»нинг Бухоро вилоят бўлими ходими Содиқ Раҳимов.

— Касбим тақозоси билан бутун умрим спортга боғлиқ тарзда ўтмоқда. Эллик беш ёшда бўлсам-да, ҳали-бери улоқни ҳеч кимга бермоқчи эмасман, — дейди ҳазил аралаш Нукус шаҳридаги Жисмоний тарбия ва спорт коллежи мураббийи Қуваниш Худойбергенов. — Ҳукуматимиз ва касаба уюшма ташкилотлари томонидан спортга қаратилаётган катта эътибор, яратилаётган шароитлар барчамизни бирдай хурсанд қилади. Мусобақа ташкилотчилари томонидан бизга кўрсатилаётган ғамхўрликдан кўнглимиз тоғдай кўтарилди.

Шубҳа йўқки, ЎзКУФК томонидан спортга қаратилаётган эътибор ўз самарасини беради. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда кўрсатилаётган бундай жонбозлик ҳар бир юртдошимизни янги марраларга чорлаши, табиий ҳол.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Давра суҳбати

Ҳунармандлар
касаба уюшмалари сафида

Тошкент вилояти истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси томонидан «Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий корхоналар ва миллий ҳунармандчиликнинг роли» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда хусусий ҳамда оилавий тадбиркорлар, касаба уюшма фаоллари иштирок этди.

Тадбирни тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Баҳодир Мирзаев кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Ҳозирги вақтда вилоят бўйича тармоқ касаба уюшмаси сафига 31 мингдан зиёд ҳунарманд, оилавий ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар бирлашган. Уларни ҳар томонлама ҳимоялаш олдимизда турган энг асосий вазифаларимиз сирасига киради. Яна бир жиҳати, тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётган бир пайтда уларнинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий билимларини юксалтириш долзарб масалалардан бирига айланди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўрта Чирчиқ туман «Ҳунарманд» уюшмаси раҳбари Тўлқин Хўжамбердиев касаба уюшма ташкилоти билан ҳамкорлик яхши натижа бераётганини таъкидлади.

— Туманимизда 1000 нафарга яқин ҳунарманд ёғоч ўймакорлиги, темирчилик, гиламдўзлик, тош ва ганч ўймакорлиги каби соҳаларнинг 25 йўналиши бўйича фаолият кўрсатяпти, — деди у. — Шу вақтгача ҳунармандларимизнинг 400 нафарга яқини касаба уюшмасига аъзо бўлди. Ўйлайманки, йил охиригача барча ҳунармандларимиз улар сафига қўшилади.

Шунингдек, вилоят давлат солиқ бошқармаси вакили Абдурасул Норқулов, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Беҳзод Тўраев, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Руслан Раҳмоновлар сўзга чиқиб, айни вақтда тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар хусусида сўз юритишди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Тадбиркорлик — давр талаби

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий корхоналар ва миллий ҳунармандчиликнинг роли» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи ишбилармонлар, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари, ҳунармандлар ҳамда касб-ҳунар коллежи битирувчилари иштироки таъминланди.

Давра суҳбатини Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Илҳом Омонов кириш сўзи билан очди.

Дастлаб Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Баҳодир Шокиров иштирокчиларга «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунча берди.

«Ҳунарманд» уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Клара Мукашованинг ҳунармандчиликни ривожлантиришда ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлар тўғрисидаги маърузаси ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Вилоят аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандликка кўмаклашиш бош бошқармаси вакили Шермат Ражабов эса «Расмий меҳнатнинг афзалликлари» ҳақидаги маърузасида долзарб масалаларни ўртага ташлади. Шунингдек, вилоят «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Давлат солиқ қўмитаси вилоят бошқармаси вакиллари хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, норасмий бандликдан расмий бандликка ўтишнинг афзалликлари ҳамда солиқ қонунчилигида оилавий корхоналарга бериладиган имтиёзлар ҳақида тўхталиб ўтишди.

Тадбирда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Зиёдулла Худойбердиев сўзга чиқиб, тадбиркорлар учун шароитларнинг тобора яхшиланиб бораётгани, бу борада касаба уюшмалари олдида турган вазифаларга эътиборни қаратди.

Мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Ўз мухбиримиз

Истиқлол ғунчалари

Бухоро шаҳридаги 4-мусиқа ва санъат мактаби концерт залида маданият муассасаларида фаолият юритаётган болалар бадиий жамоалари ва якка ижрочилар ўртасида «Истиқлол ғунчалари» танловининг вилоят босқичи ташкил этилди.

Маҳорат кўриги

Ёш ижрочилар иқтидорларини яна бир карра синовдан ўтказдилар. Якунда анъанавий ижрочиликда Олот туманидаги 6-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Суннатилло Дурмаматов, эстрада йўналишида Ғиждувон туманидаги 31-мактаб ўқувчиси Шокир Норов, жамоа рақсида «Мавриги» ва «Доира рақси»ни маҳорат билан ижро этган Пешку тумани ёшлари, якка рақсда Шофиркон туманидаги 2-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Наргиза Маҳмудова, якка чолғу ижрочилигида «Хуррам» куйини рубобда маромига етказиб чалган Вобкент туманидаги 2-мактаб ўқувчиси Шукрулло Искандаровлар ғолиб деб топилди ва республика минтақавий босқичига йўлланмаларни қўлга киритишди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Истиқлол ғунчалари» танловининг Қашқадарё вилоят босқичини кузата туриб, юртимизда иқтидорли, қалби санъатга ошуфта ўғил-қизларнинг кўплигига яна бир бор амин бўлдик. Қарши шаҳрида ўтган кўрик-танловда 200 нафарга яқин бола бадиий жамоалар ва якка ижрочилар сафида иштирок этди.

Санъатга ошуфта ўғил-қизлар

Қашқа воҳасининг ҳар бир тумани ўзига хос маданий мерос, анъана ва удумларга эга. Танловда ижро этилган куй-қўшиқ ҳамда рақсларда айнан шу жиҳатлар яққол кўзга ташланди. Ўғил-қизларнинг ижро маҳорати томошабинларга олам-олам завқ, хуш кайфият улашди.

Якуний ҳисоб анъанавий ижрочиликда Камолиддин Шодмонов (Қарши шаҳри), эстрада қўшиқчилигида Гулруҳ Тўраева (Миришкор тумани), якка чолғу ижрочилигида Жалолиддин Панжиев (Қарши тумани), ансамбл чолғу ижрочилигида Касби тумани, якка рақсда Гулбадан Баҳромова (Китоб тумани), жамоа рақсида «Мерос» гуруҳи биринчиликни қўлга киритганлигини кўрсатди.

— Барно Баҳриддинова, Азизбек Амонов, Гулиойим Очилова ва Флора Ибрагимова билан биргаликда «Ўйнар» рақсини ижро этиб, жамоа рақс ижрочилигида ғолиб бўлдик, — деди Қарши гарнизони Офицерлар уйи қошидаги «Мерос» болалар фолклор ансамбли аъзоси Нурбек Нормуродов. — Бошқа туманлардан келган тенгдошларимиз билан дўстлашдик, бирга ўйнаб-яйрадик.

— Кўрик-танлов чин маънода истиқлол ғунчаларини кашф этди. Чекка-чекка қишлоқларда ўсаётган ўғил-қизларимиз катта саҳнада имтиҳондан ўтишди, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғузор туман кенгаши раиси Эшпарда Ниёзов. — Ишонамизки, бугун танловда қатнашган ёш ижрочилар орасидан таниқли хонанда ва созандалар, рақс санъати усталари етишиб чиқади.

Ғолиблар танловнинг республика минтақавий босқичида қатнашади.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон ёшлари

Ёшлик — чақмоқдек шиддатли, баҳордек сертошқин, қуёшдек ҳароратли фасл. Шу боис ёшлик инсон умрининг гултожи бўлиб, тошдан гул, сахродан мўъжиза яратади. Эртасини ўйлаган халқ борки, энг аввал, ёшлари қалбига маърифатдан, маънавиятдан нур тўкади, уларни нурафшон манзилга бошлайди. Чунки, халқнинг келажак тақдири, мамлакат қудрати, эркин, фаровон ҳаёти ўсиб келаётган ёшларнинг қандай инсон бўлиб улғайишига боғлиқдир.

Истиқлол ёшлар тафаккурида Шахс сифатида шаклланиш туйғусини уйғотди. Бугун Ўзбекистон ёшлари қалбида ўз Ватанига садоқат, келажакка умид бисёр.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, илм-фан, адабиёт, санъат, тиббиёт, таълим, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишларни тарғиб қилиш, ёшларнинг бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларини ибрат қилиб кўрсатиш, шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш ва халқимиз менталитетига ёт бўлган турли иллатларга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш, хусусан, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, иқтидорли ёшларни кашф этиш, улар дунёқарашида она-юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва келажакка ишонч руҳини мустаҳкамлаш борасида касаба уюшмалари амалга ошираётган эзгу ишларни тарғиб қилиш мақсадида «ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ» саҳифасини ташкил этдик. Унда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмунмоҳияти, ёш авлодни Ватанимиз, халқимиз ва миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш масалалари ҳамда ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида сўз боради.

Омилкорлик

Туманимизда энг ёш фермер саналаман. Болалигимдан ерга меҳр қўйиб ўсдим. Бунда биринчилардан бўлиб фермерликка қўл урган дадам Абдураззоқ Ризаев ибрат бўлди.

Отамдан ибрат олиб

Отамдан деҳқончиликнинг сир-синоатини, иш олиб бориш тартибини ўргандим. Унинг қўллаб-қувватлаши билан «Обод турмуш келажаги» фермер хўжалигини ташкил этишга ахд қилдим. Ишни 50 миллион сўмлик кредит билан бошладим. Ҳозирда хўжалигим тасарруфида 50 гектар экин майдони мавжуд. Унинг 27 гектарига буғдой экилган. 15 гектарига эса ғўза ниҳоллари бир текис ўсаяпти. 5 гектарлик майдонда кўркамгина боғ ташкил этдик.

Яқинда «Микрокредитбанк» ОАТБнинг Навоий филиалидан 60 миллион сўм кредит маблағини олдик. У бизга техника воситалари харид қилиш имконини беради. Тез орада хўжалигимиз замонавий русумдаги тракторга эга бўлади.

Ишчиларимизнинг дам олиши учун шинамгина дала шийпони қурилишини бошладик. Ички имкониятларимизни ҳисобга олган ҳолда 30 оила асалари парваришлашга ҳам киришдик.

Муҳими, ишчиларимизнинг оилавий шароитларини ўрганиб, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келаяпмиз. Аъзоларимизнинг ҳар бирига меҳнат дафтарчаси очилган. Бундан ташқари, улар касаба уюшма имтиёзларидан тўлиқ фойдаланадилар.

Мамлакатимизда ташаббускор ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётир. Юксак маънавиятли авлод тарбиясида биз ёшларга истиқлол ҳадя этаётган имкониятларнинг таъсири бениҳоя катта.

Наргизахон МАМАНОВА,
Кармана тумани

Термиз шаҳрида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ёш тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда кенг намойиш этилган маҳсулотлар ўзининг сифати, рақобатбардошлиги, арзонлиги билан иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Президентимиз раҳнамолигида яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор соҳани янада равнақ топтириш, ёш тадбиркор, фермер ва ҳунармандларнинг сафи кенгайишига, кўплаб янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда.

Шерободлик ёш тадбиркор Баҳодир Қиличев тумандаги Килкон маҳалласида «Суҳроб-Сохиб-Сардор» хусусий корхонаси ташкил этиб, бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир бу ерда унинг 20 нафар тенгдоши меҳнат қилмоқда.

— Илгари уйларни таъмирлашда асосан лой ишлатилган бўлса, эндиликда замонавий қурилиш материаллари, жумладан, шпатлёвкадан кенг фойдаланилмоқда, — дейди Баҳодир. — Ҳудудимизда ҳам ушбу маҳсулотга талаб ортиб бормоқда. Шуни инобатга олиб, энди шпатлёвка ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Шунда ўнга яқин янги иш ўрни очилади.

Кўргазма якунида «Йилнинг энг намунали ёш тадбиркори», «Йилнинг энг намунали ёш фермери», «Йилнинг энг намунали ёш ҳунарманди» йўналишлари бўйича ғолиблар эълон қилинди. Улар кўргазманинг мамлакат босқичида иштирок этади.

(ЎзА).
ЎзА фотомухбири
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат

Фикр-хазина

Ривоят қилишларича, қадим замонда икки киши қиёматли дўст тутинибди. Улар гўё эт билан тирноқ — бири тан бўлса, бири жон экан...

Кунларнинг бирида дабдурустдан уларнинг қишлоғига босқинчилар ҳужум қилибди. Қишлоқ аҳли қоча бошлабди ва маълум қисми дарёдан кечиб ўтиб, жон сақлашибди. Дўстлардан бири дарёнинг бу соҳилига ўтиб қараса, дўсти нариги томонда душман қўлида асирда эмиш. Шунда у ҳеч нарсани ўйламай, шу заҳоти ўзини сувга отибди. Уни душман лашкарбошисига рўпара қилишибди. Ҳалиги дўст лашкарбошидан қадрдонини озод қилишни сўрабди. Лашкарбоши эса бунинг эвазига товон талаб қилибди.

Кўнгил калити

— Бор бойлигимизни талаб, тортиб олдинглар. Менинг ҳеч нарсам қолмади. Дўстимни озод этиб, унинг ўрнига мени асир эт, — жавоб берибди у.

Душман лашкарбошиси бундан таъсирланибди, лекин бу иккисининг дўстлигини яна бир синаб кўриш мақсадида бу сўроқни давом эттирибди.

— Нега ҳеч нарсам қолмади дейсан?! Ҳали ўзингда қолган бойлигинг бор, — дебди лашкарбоши унга синовчан қараб. — Сенинг икки кўзинг – энг катта бойлигинг. Дўстинг учун ана шу бойлигингдан воз кеча оласанми? Мен кўзларингни ўйиб олишни буюрай ва шундан кейин сен дўстингни олиб кетаверасан.

Биринчи дўст шу заҳоти рози бўлибди ва кўзларидан айрилишдан олдин сўнгги бор дўстининг чеҳрасини кўришни тилабди. Сардор унинг тилагини қабул қилибди. Иккинчи дўстни олиб келишибди. Шундан сўнг душманлар сардори биринчи дўстнинг кўзларини ўйиб олишга фармон берибди. Буни эшитиб иккинчи дўст дод солиб:

— Унга тегманглар! Кўз керак бўлса, менинг кўзларимни олинглар, лекин дўстим мени деб бир умр ёруғ оламни кўролмай ўтишига чидай олмайман, — дебди.

Бу ҳолат лашкарбошига қаттиқ таъсир қилибди. Дўстларнинг ҳар иккисини ҳам озод қилиб, қишлоқни тарк этибди...

Хўш, дўст ўзи ким? Унинг ҳаётимиздаги ўрни қай даражада? Ҳақиқий дўстлик нималар билан белгиланади? Бугун ана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз...

Донишмандлардан бири дўсти кўп одамнинг чин дўсти бўлмайди, деган эди. Ҳар биримизнинг ҳаётда дўстларимиз кўпдай туюлади. Аммо ана шу одамларнинг тўқсон-тўқсон беш фоизи манфаатнинг дўстлари эканлиги ҳаёт давомида исботланган. Севимли адибимиз Тоҳир Маликнинг «Одамийлик мулки» китобида дўстлик ҳақида шундай сўзлар бор: «Дўстлар икки хил бўладилар: биринчилари — ўз ихтиёрлари билан самимий дўст бўлганлар. Иккинчилари — мажбурият ва зарурият юзасидан ахду паймон боғлаганлар. Буларнинг мақсади фойда кўрмоқ ва зарардан қочмоқдир. Лекин самимият ва садоқатга асосланган дўстлик ҳамиша, ҳамма ерда ва ҳар қандай шароитда ишончли бўлади. Зарурият ва мажбурият натижасида пайдо бўлган дўстлик эса ундай бўлмайди... Зарурият юзасидан пайдо бўлган дўстликка ишониш дуруст эмас...»

Дўст танлашда нималарга эътибор бермоқ керак? Бир донишманддан сўрабдилар: «Кимлар билан дўстлашиш мақбулдир?» Донишманд жавоб берибди:

— Қаноатли кишилар, сахийлар, ўз сўзидан қайтмайдиганлар, олим ва ҳунарли инсонларни қадрлайдиганлар, ёмон ахлоқлилар мажлисидан йироқ бўлганлар, хиёнат ва номардликдан нафратланадиганлар, яхши хулқли ва назокатлилар билан дўст бўлганлар садоқатли ва саодатли дўстлик йўлида бўладилар.

Кимлар билан дўстлашиш жоиз эмас, деган саволга донишманднинг жавоби қуйидагича бўлибди:

— Сабрсизлар, ҳафсаласизлар, ёлғончилар, пул ва мол-дунёни ҳамма нарсадан устун қўювчилар, сабабсиз ҳар кимдан шубҳаланувчилар, ёшидан қатъи назар одоб қоидаларига риоя этмайдиганлар, ношукрлар, пасткаш ва маишатпарастлар, хиёнатга мойиллар, ҳаёсизлар билан дўстлашиш ҳалокатли якун топади.

Дўсти хурсанд бўлганда, хафа бўлиб, у хафа бўлганда қувонадиган яширин дўстдан ошкора душман афзалдир. Чунки душманнинг душманлиги маълум, шунинг учун ҳар лаҳза ундан етиши мумкин бўлган зиёнга ҳушёр турамиз. Лекин кутилмаганда дўст етказадиган зарар одамга қаттиқ зарба беради.

Ҳақиқий дўстни топганимизда унга содиқ бўлишимиз, тез-тез йўқлаб туришимиз, алдамаслигимиз, ютуқ ва муваффақиятларидан қувонишимиз, ғам-ташвишларида елкадош бўлишимиз, агар айблари бўлса, буни ҳамманинг олдида эмас, ўзига мулойимлик билан айтиб, ундаги хато ва камчиликларни биргаликда бартараф этишимиз, унинг душманлари билан дўстлашмаслигимиз лозим. Ана шунда дўстдан ҳам шундай жавоб оламиз.

Ҳақиқий дўст ҳар қандай бойликдан устун, чунки унда энг катта бойлигимиз – кўнглимиз калити бор. Ҳаммамизга ана шундай бойлик насиб этсин!

Умида ИСМОИЛОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултети талабаси

Интилганга толе ёр

Мамлакатимизда ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишга катта эътибор қаратилмоқда. Биз ёшлар бундай улкан ғамхўрликларга жавобан мавжуд қулайлик ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, пухта билимли ва юксак салоҳиятли мутахассис кадрлар бўлиб етишишимиз, мамлакат тараққиёти ва юрт равнақига самарали меҳнатимиз билан ҳисса қўшишимиз лозим.

Имтиёзли таълим кредити

Мен ўтган йили молия-иқтисод коллежини имтиёзли диплом билан тамомлаб, Тошкент молия институтининг талабаси бўлдим. Айни пайтда, тўлов-контракт асосида таҳсил олаяпман. Шу ўринда аъло баҳоларга ўқиб фанларни чуқур ўзлаштирган, билимига ишонган киши ўзи танлаган олий ўқув юртига, албатта, кира олишини таъкидламоқчиман.

Талабалик бахти, гашт-у сурури, шу билан бирга, масъулияти ўзгача экан. Маъруза ва семинарлар, оралиқ синовлари, уйга вазифалар, топшириқлар... буларнинг ҳаммасига улгуриш учун вақтнинг қадрига етишга, баъзан эса ширин уйқудан воз кечишга тўғри келади. Яхши маънодаги беҳаловатлик ўз самарасини берди: қишки имтиҳонларни «аъло»га топширдим.

Яқинда шодлигимга яна бир шодлик қўшилди. «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки олий ўқув юртларида тўловконтракт асосида билим олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказган тадбирда имтиёзли таълим кредити олиш учун банк сертификатига эга бўлдим. Бундай кредит банкнинг филиалларидан бирида 2014-2015 ўқув йили учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиз миқдорида имтиёзли шартлар асосида ажратилади ва Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида» 2001 йил 26 июлдаги 318-қарорига мувофиқ берилади.

Халқимизда «Интилганга толе ёр» деган мақол бор. Рағбат эса янги марраларга ундайди. Мен ҳам бундай ғамхўрлик ва имкониятлардан руҳланиб, ўз билимимни янада ошириш, ўқиб-изланишга, етук мутахассис бўлиб етишишга ҳаракат қиламан.

Элёрбек ИСМОИЛОВ,
Тошкент Молия институти 1-босқич талабаси

Истеъдод

Мафтунанинг бахти

Шундай ёшларимиз борки, улар танлаган соҳаларига қунт билан ёндашиб, ўз устида ишлаб, янгидан-янги марраларни забт этишмоқда. Бултур Навоий номидаги давлат стипендиясини қўлга киритган Мафтуна Нодирова учун 2014 йил ҳам қутлуғ келди. У Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Мафтуна ҳақида мухтасар сўз. У 1993 йил Қашқадарё вилояти Қарши туманида туғилган. Ўрта умумтаълим мактаби ва 10-ихтисослашган мактабда ҳамда тиббиёт коллежида аъло баҳоларга ўқиган. 2010 йилда Қарши давлат университетининг хорижий филология факултети немис тили йўналишига ўқишга қабул қилинди. Айни пайтда, таржимонлик бўйича ўз ижодий салоҳиятини намойиш этмоқда.

Мафтуна немис шеъриятини чуқур ўрганиб, «Ҳайнрих Ҳайне лирикаси« рисоласини тайёрлади. Ўн уч йил Ватанидан узоқда яшаган немис шоирининг шеърларини ўзбек тилига ўгирган Мафтунахоннинг ўзи ҳам ижод қилади. Мафтунанинг Қарши давлат университети нашриётида босилган «Қадамлар ҳикмати» шеърий тўпламида шундай сатрлар бор:

Ўйноқи шамолга айлансам эди,
Элтардим мен сизни нурли йўлларга.
Хуш ёқмас эпкину десалар дайди,
Қўрқув солар эдим сокин дилларга...

Ижодкор ҳақида устози Алишер Маҳмудов шундай дейди:

— Мафтуна Нодирова ўзининг билимга ташналиги, жамоат ишларидаги ташкилотчилик қобилияти, равон нутқи, камтарлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Мафтунахон Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясини немис тилига ўгирибди. Ўқиб, тўлқинланиб кетдим.

...Университетда илмий раҳбари Комил Маркаев, таржима назарияси бўйича Ғулом Хўжаев ва бошқа устозларидан зиё чашмаларини ўзлаштираётган Мафтунахон яқинда «Чет тилларни мактаб ўқувчиларига ўқитиш бўйича методик қўлланма» ишлаб чиқди. Ишонамизки, у ўзи каби зукко ўғил-қизлар, билимга ташна ёшларимиз кўпайишини истайди...

Унинг Ҳайне ижодидан қилган таржимасида шундай сатрлар бор:

ИҚРОР

Йўлим тушса уйинг ёнидан,
Саҳарлари сайр истаб ногоҳ.
Жажжигинам шод бўлиб дилдан,
Деразангдан ташлайсан нигоҳ.

Сенинг қора оху кўзларинг,
Қилур мени ҳар лаҳза таъқиб.
«Сен ким» дея сўрар нигоҳинг,
Мусофирми ё ошиқ ғариб?»...

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Мулоҳаза

Болалигимда «Катта бўлишни хоҳламайман», деб номланган кинофилмни қайта-қайта томоша қилишдан чарчамасдим. Қаҳрамон болакайнинг билимдонлиги ҳайратимни ошириб, ҳавасимни келтирарди. Лекин филм сўнгида вундеркинд боланинг бу ҳаётдан нолиб, «оддий» болалардек ҳаёт кечиришни исташи мени ажаблантирарди...

Вундеркинд бўлиш осонми?

Луғавий маъноси немисча сўздан олинган бўлиб, ажойиб бола деган маънони билдирувчи «вундеркинд» сўзини бугун тез-тез қўллайдиган бўлиб қолдик. Кенг мулоҳаза қилиб кўрсак, бу фоний дунёда асрларга татигулик асарлар, ноёб ихтиролар, маданий обидалар қолдириб кетган вундеркиндлар қанча?! Инсоният ўз тараққиётининг бугунги босқичига келиб аниқ ва равшан белгилаб олдики, интеллект, зеҳн ва ижод маҳсули бўлган ғоя ҳам мулкдир. Бу мукаммал мулк вакилларига эса вундеркинд деб таъриф берамиз.

Одатда, кўпгина ота-оналар ғаройиб, ҳеч кимникига ўхшамаган истеъдодли болани умид қилишади. Бундай болалар билан ота-онаси ғурурланади, устозлари мақтанади, тенгдошларида ҳавас ортади. Вундеркинд болаларга баҳо олиш, хулқ-атвор борасида муаммо йўқ. Аммо табиат шунчалик чеварки, ҳар нарсанинг тош-тарозисини белгилаб берган. Қарангки, ҳавасимизни келтирган вундеркинд болаларнинг ҳам ўзига яраша муаммолари бор экан.

Табиатнинг «хатоси»

Ранги ўчган, қалин кўзойнакли болаларни аллақачон идеалга айлантириб улгурган «Гарри Потер» образи бежизга пайдо бўлмаган. Статистик маълумотларга қараганда, кўпчилик вундеркинд болалар ҳавас қилинмайдиган соғлик билан тенгдошларидан ажралиб туришади. Ҳавасимизни келтирадиган вундеркинд бола тенгдошларини ақлий жиҳатдан ортда қолдирса-да, аммо психотикани университет дастури доирасида билиб, қоғоз-қаламсиз мураккаб математик амалларни бажара олган.

Қизиқарли томони шундаки, кўплаб мўъжиза ҳисоблагич эгалари ҳисоб-китобни қандай амалга оширганларини айтиб беришолмайди. Бундан ажабланмаса ҳам бўлади, чунки кўпгина вундеркиндларнинг ҳатто саводи йўқ. Масалан, англиялик «калкулятор-одам» Бакстон ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмаган.

Албатта, савол туғилади: мўъжизавий ҳисоблагичларнинг кейинги ҳаёти қандай кечади? Одатда, уларнинг хусусияти кексалик ўз кучини бошлагунча такомиллашиб боради. Аммо айрим ҳолларда вундеркинд болалар мактаб дастурини ўзлаштира бошлагач, уларнинг истеъдоди ўз-ўзидан сўна борган. Масалан, Ампер классик математика соҳасидаги билимларини бойитгани сари оғзаки ҳисоблаш маҳорати пасайиб борганлиги ҳақида маълумотлар бор.

«Саводли» ва «саводсиз»...

Маълумотларга қараганда, Сербиянинг Зренянине шаҳридан чиққан Борислав Гаджанский 11 ёшида олий математика университетининг 100 йиллик тарихида биринчи марта математика, физика, кимё, биология, тарих, адабиёт, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича ўтказилган ягона имтиҳонларни топшириб, ўтган йилнинг 15 декабрида ўтказилган ҳисоблаш ва ҳисоблаш-таҳлил фанлари

Фан олимпиадаси



Билимлар синови

ИИВ Академиясида «Ҳуқуқшунослик» фанидан Республика талабалар фан олимпиадасининг II босқичи бўлиб ўтди. Унда олимпиаданинг 1-босқичида юқори кўрсаткичларга эришган нуфузли олий таълим муассасаларининг 26 нафар талаба ва тингловчиси ўз салоҳиятини намойиш этди.

Иштирокчилар билими тўрт босқичда синовдан ўтказилди. Улар ёзма иш ва тест саволларига жавоб беришди. Шунингдек, суҳбат ва илмий иш (реферат)лар ҳимояси ўтказилди.

— Илмий раҳбарим Камол Усмонов бошчилигида фан олимпиадасида муносиб қатнашиш учун қаттиқ тайёргарлик кўрдим, — дейди Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти 3-босқич курсанти Миржалол Шамсиев. — Жумладан, мамлакатимиз Конституцияси ҳамда амалдаги қонунлар бўйича билимларимни оширдим. Билимларимиз компютер технологиялари, юқори малакага эга ҳуқуқшунослар томонидан баҳоланди. Юртимизда ёшларга бўлган эътиборнинг юксак даражада эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Икки кун давом этган тадбир иштирокчилари ИИВ Академиясида тингловчи ва курсантлар учун яратилган шароитлар, экспонатларга бой музей ва Академиянинг бошқа диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишдилар.

Олимпиада натижаларига кўра, ИИВ Академияси 3-босқич курсанти Шерали Муҳаммадиев ғолиб дея тан олинди. Тошкент давлат юридик университети талабаси Шокиржон Ғаффоров 2-, Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факултети талабаси Ислом Жўраев 3-ўринни эгаллади.

Дилсўз ЮНУСОВА,
ЎзМУ талабаси

Тадбир

«Косонсой» санаторийсида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2014 йил 22 апрелдаги йиғилиши баёнига кўра, Наманган вилоятида истиқомат қилувчи 5 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси 10 кун давомида бепул даволанди.

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ

Фахрийлар иштирокида ўтказилган «Инсон хотира билан тирик — қадр билан улуғ» мавзуидаги тадбир катта тарбиявий аҳамият касб этди.

«Косонсой санаторийси» МЧЖ директори Н.Мўйдинов, Косонсой тумани «Нуроний» жамғармаси бўлими раиси Я.Эшматов уруш ва меҳнат фахрийларини байрам билан қутлади. Жанг майдонларидан соғ-омон қайтган, ҳозирда кексалик гаштини сураётган Исмоил Раҳимов ўтганларни ёдга олмоқ ҳалқимизга хос эзгу фазилат бўлиб, бугунги дориламон кунлар буюк неъмат эканлигини таъкидлади.

Фахрийларга санаторий томонидан қимматбаҳо совғалар топширилиб, концерт дастури намойиш этилди.

Гулнора СОЙИББОЕВА,
«Косонсой санаторийси» МЧЖ маданият бўлими бошлиғи

Савол: 1- ва 2-гуруҳ ногиронларига шаҳар транспортидан фойдаланишда қандай имтиёзлар бор?

Т. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Паркент тумани

Жавоб: 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунга кўра, шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи фақат:

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар;

1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;

1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

Байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар;

Чернобил АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;

кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахс учун татбиқ этилади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Барча кон ва металлургия соҳасида меҳнат қилаётган ходимларни Ўзбекистон Республикасининг кон-металлургия саноати ходимлари куни билан самимий қутлайди

Мамлакатимиз иқтисодиётининг гуллаб-яшнашига, юртимиз саноати ривожига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшаётган соҳа ходимларига масъулиятли вазифаларини бажаришларида сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, ишларига улкан зафарлар тилаймиз!

Реклама ва эълонлар

«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқаукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Қувасой шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 13.05.2014 йил кунги 1-сонли буюртманомасига асосан, Қувасой шаҳар, Шифокор кўчаси, 1-уйда сақланаётган «DAMAS» русумли (махсус) автотранспорт воситаси қўйилмоқда. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 40 398 КАА, носоз ҳолда. **Бошланғич баҳоси — 5 225 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 17 июн куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 13 июн соат 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖнинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 302134194, Ҳ/Р: 2020 8000 7049 4306 3001.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Тел: 8-373-244-43-58. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1177. **Хизматлар лицензияланган.**

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Юқори Чирчиқ туман ҳокимлиги Молия бўлимининг 2014 йил 28 февралдаги AF-16 сонли буйруғи ва 2014 йил 12 майдаги 16-14-194 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони, Мустақиллик кўчаси, 100-уй манзилида сақланаётган, давлат рақами 10 494 UAA бўлган 2003 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, «ГАЗ 3102311» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 4 177 000 сўм.**

Савдо 2014 йил 18 июн куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 16 июн куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 18 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 25 июн ва 2 июл кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 25 июн савдолар учун 23 июн куни соат 18:00; 2 июл савдолар учун 30 июн куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Бўстонлиқ туман ҳокимлиги Молия бўлимининг 2014 йил 8 майдаги AF-14 сонли буйруғи ва 2014 йил 12 майдаги 16-37/184 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Ғазалкент шаҳри, Жамбул кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган, давлат рақами 10 212 XAA бўлган 2004 йилда ишлаб чиқарилган техник соз, «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 8 751 000 сўм.**

Савдо 2014 йил 18 июн куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 16 июн куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 18 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 25 июн ва 2 июл кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 25 июн савдолар учун 23 июн куни соат 18:00. 2 июл савдолар учун 30 июн куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231. **Хизматлар лицензияланган.**

Реклама ва эълонлар

«Tashkent realtor service» МЧЖ барча тадбиркорлик субъектларини, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 147-сонли қарори, Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимининг 19.02.2014 йилдаги 134-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман танлов комиссиясининг 07.05.2014 йилдаги № 1-сонли умумий йиғилиш қарори ва туман танлов комиссияси раисининг 12.05.2014 йилдаги № 02/227-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи бўйича танлов таклифларини қабул қилиш давом эттирилади:

1. Зангиота тумани Чиғатой-Оқтепа ҚФЙ ҳудудида янги иш ўринларини яратиш мақсадида чиқинди қабул қилиш пункти, пойабзал таъмирлаш устахонаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш дўкони ва емхона қурилиши учун ажратилган 0,08 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, минимал қиймати — 440 900 сўм.

2. Зангиота тумани, Юнусобод ҚФЙ, Бешкўрғон маҳалласи ҳудудида аҳолига замонавий озуқа ем, савдо ва маиший хизмат зооветеринария шохобчаси қурилиши учун ажратилган 0,07 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, минимал қиймати — 385 800 сўм.

3. Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ ҳудудида аҳоли истеъмоли учун экологик тоза қадоқлаш пакетлари, пластмасса идишлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қадоқлаш, ҳамда яшик ишлаб чиқариш цехи қурилиши учун ажратилган 0,70 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, минимал қиймати 3 857 900 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Зангиота тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманоларни қабул қилиш матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 29 май куни соат 18:00 да тўхтатилади. Буюртманомалар танлов ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома беришдан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги маблағни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 30 май куни соат 11:00 да очилади. Танлов комиссияси томонидан 10 кун муддат ичида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танлов савдосида иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхаси.

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: «Tashkent Realtor Service» МЧЖ ҳ/р: 20208000804876496001 ОАИТБ «Ипак йўли» Миробод филиали, МФО: 01101, ИНН: 301743808.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил : Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси 10-уй, 16-хона, мурожаат учун телефон рақамлари: Тел. (8371) 147-40-00, факс: (8371) 150-58-56, электрон почта: info@realtorg.uz. **Лицензия № RR-0008.**

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Чиноз туман ҳокимлиги Молия бўлимининг 2014 йил 29 апрелдаги AF-17 сонли буйруғи ва 2014 йил 14 майдаги 26-14/66 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Бобур кўчаси, 10-уй манзилида сақланаётган, давлат рақами 10 141 VAA бўлган 2001 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 9 825 477 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 23 июн куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 20 июн куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 23 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 30 июн ва 7 июл кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 30 июн савдолар учун 27 июн куни соат 18:00, 7 июл савдолар учун 5 июл куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz. **Хизматлар лицензияланган.**

Тошкент қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежи томонидан 2005 йил 5 июлда **Ғиёсов Жамшид Миржалоловичга** берилган К 285660-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгашнинг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Абдусалом Раҳмоновга волидаи муҳтарамаси **Саида ая РАҲМОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: N.Umarova

Bosishga topshirish vaqti - 21.30
Topshirildi - 21.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 518 | 20737 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5